

20
ЙИЛ

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 1-sentabr, №35 (764)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Мустақиллик эркинлик, ҳуқуқ ва халқ фаровонлиги кафолатидир

Мамлакатимиз бугунги кунда энг улуғ, энг азияз байрамни кенг нишонламоқда. Жаҳон цивилизациясига, дунё фани, маданияти ва маънавиятига, муқаддас Исломи дини ривожига муносиб ҳиссаларини қўшган буюк алломалари, олимлари, давлат арбоблари ва саркардаларига эга бўлган халқимиз ўз тарихидаги муҳим саналардан бирини, яъни мустақиллигининг 20 йиллигини тантана қилмоқда.

1991 йил 31 августда халқимизнинг азалий орзуи ушалди. Она-Ватанимиз сиёсий мустақилликка эришиб, жаҳон харитасида ҳаётининг янги буюк даврини бошлаган Ўзбекистон давлати пайдо бўлди.

Ўз давлат мустақиллигини эълон қилгач, мамлакатимиз ўзининг маданий ва барқарор бозор иқтисодиётига, ошқора ташқи сиёсатга асосланган фуқаролик жамияти, адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Исроҳим Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ижтимоий адолатли жамият ва ҳуқуқий-демократик давлатни тўла шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакат ҳаёти ва жамиятининг барча жабҳалари ва соҳаларидаги каби Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари, жумладан, унинг бир бўлини бўлган Тошкент шаҳар прокуратураси органлари мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг мазмун ва моҳиятида ҳам туб ўзгариш ва ислохотлар бошланди. Зеро, мустақилликка қадар Тошкент шаҳар прокуратураси бошқа давлат органлари катори собиқ СССРдаги тоталитар тузум-

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори

нинг, жамиятнинг бутун вужудини қамраб олган коммунисттик мафкура ҳар бир фуқаро онгига сингдирилишини таъминлаш воситаси, механизми сифатида ўзига берилган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда муҳим аҳамият касб этарди.

Бунинг устига, собиқ СССР раҳбарияти томонидан сунъий равишда "пахта иши" яратилиб, сўнгги йилларда Болтиқбўйи республикаларида авж олган сиёсий мустақилликка интилишларнинг Ўзбекистонда ҳам ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида республика раҳбарлари, мухассислари ва зиёлиларини "каллақлаш" сиёсати ўтказилиши натижасида Ўзбекистонда сиёсий вазият таранглашган, миллатнинг номига доғ туширишга уриниш авжига чиққан ҳамда вазиятдан фойдаланилган ҳолда асосан РСФСР ва бошқа иттифокдош республикалардан юзлаб кадрлар — "десантчилар" республикага, жумладан, прокуратура органларига ҳам келтирилган эди.

Шундай ҳолатда мамлакатимиз Президентини Исроҳим Каримов раҳбарлиги остида мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг барча жабҳаларида коммунисттик мафкуралардан тезда ҳалос этиш, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиздан келиб чиққан ҳолда янги мустақиллик мафкурасини халқимиз онгига шакллантириш борасидаги умумий мақсадлар йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ва қамровли ишлардан келиб чиқилган ҳолда прокуратура органлари олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилган эди.

[Давоми 4-бетда]

Саждагоҳимсан, Ватан!

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлганини бутун халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Аждоҳларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижодиётдан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасига сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар бизнинг маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта мерос ҳамма халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғ алломалар Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хусрав Деҳлавий (асли шаҳрисабзлик), Улуғбек ва Навоийдек теран фикрли аждоҳларимиз билан ҳақиқий равишда фахрланамиз.

Агар тарих саҳифаларини varaқласак, жуда кўп ибратли мисолларга кўзимиз тушади. Қадимда Хитой, Ҳинд, Эрон ва Мисрга тақдир тақозоси билан бориб қолган туркий халқларнинг фарзандлари кўп вақт ўтмай, у ердаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта бошлаганлар. Хар доим кураш

майдониди бўлмоқ ва хар ерда ўзининг қимлигини кўрсатмоқ халқимизга хос хусусиятдир.

Ғапимизнинг исботи учун бир мисол келтириб ўтайлик. XII асрда яшаб ижод этган араб тарихчиси Фахриддин Муборакшоҳ туркий қавм вакилларининг ўз атрофидаги бошқа халқлар билан тил топишиш қобилиятини

юқори баҳолаб, шундай деб ёзади: "Турклар тақдирдаги шухрат ва омаднинг сабаби нимада эканлигини айтиб берайми? Маълумки, хар бир қавм ва кишилар тоифаси ўз халқи орасида экан, ўз қариндошлари қуршовида, ўз шаҳрида экан ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлади. Бироқ улар саёҳатга чиқиб бегона юртларга бориб қолса, ерли халқдан жиркандилар ёки мутлақо эътибор бермайдилар. Лекин туркий халқларда бунинг тескарсини: улар ўз юртида ва қариндошлари орасида экан, улар турли қабилалардан бири бўлиб қолади, холос. Етарлича қудратга эга бўлгани учун яқинларини, хатто ёрдамга ҳам чорламайдилар.

[Давоми 6-бетда]

Юксак мукофотлар муборак!

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан юртимизнинг хар гўшасида байрам шухуи. Озод ва обод юртга байраму тантаналар ярашади. Республика Бош прокуратурасида ҳам 28 август куни ана шундай тантаналарга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Республика Бош прокурори Рашитжон Қодиров кириш сўзи билан очиб, барчани байрам билан қутлади ва Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан тақдирланган прокуратура органлари ходимларидан бир гуруҳни мукофотланди.

Бош прокуратура Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Сунатов Улўбек Джалильович "Меҳнат шухрати" ордени билан;

СВОЖДЛКК Департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим бош тафтишчиси Халиков Неъматжон Алматович "Дўстлик" ордени билан;

Сурхондарё вилоят прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Назаров Комилжон Абдусатидович "Жасорат" медали билан;

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Айтимбетов Аминбой Алимбаевич "Содиқ хизматлари учун" медали билан;

Бош прокуратура бўлим катта прокурори Ашурова Муҳаё Ахтамовна "Содиқ хизматла-

ри учун" медали билан;

Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Тўхтабаев Абдукаҳҳар Абдусаттарович "Содиқ хизматлари учун" медали билан;

Жиззах вилояти Фаллаорол тумани прокуратураси катта нозир Бурибоева Фатима Ахматовна "Шухрат" медали билан;

СВОЖДЛКК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туман бўлими бошлиғи Ибрагимов Қошқарбай Сарсенбаевич "Шухрат" медали билан;

Бош прокуратура Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Назаров Азизбек Азамович "Шухрат" медали билан;

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани прокуратураси катта нозир Султанова Наил Рахимовна "Шухрат" медали билан;

Бош прокуратура Олий ўқув курслари бошлиғи Умаров Толибжон Абдуазизович "Шухрат" медали билан тақдирландилар.

Шунингдек, Президентимиз Фармони билан бош гуруҳ прокуратура ходимлари "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирландилар. Бош прокурор буйруғи билан меҳнатда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ прокуратура ходимларига фахрий ёрлиқлар топширилди, ташаккурнома эълон қилинди.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари муборак бўлсин!

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласида ҳам ўз аксини топишмоқда. Бу борада юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртимиз аҳолисининг тўқин ва фаровон ҳаёт кечирishi учун давлатимиз томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилиб, янги иш ўринлари яратиб ва аҳоли банинларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси устувор вазифалардан бири этиб белгиланиб, бу ўз навбатида ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Доимий эътиборда

О.ЎСАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Президентининг Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юнвонлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳолини иш билан таъминлаш масаласи энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ҳарбий прокуратура органлари томонидан республикаимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат бurchини бажараётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ўринбосарлари, Мудофаа вазирлиги бошқармалари, вилоят прокурорлари ҳамда вилоятлар меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг масъул ходимлари иштирокида жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарь ҳамда Жиззах вилоятларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари билан "Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзуларида учрашувлар ўтказилди.

Ўтказилган тadbirkorларда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида қилган маърузасининг мазмун-моҳияти, 2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг аҳамияти, республикаимизда конституциявий меъёрлар ва таомилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эътиборига етказилди.

Ташкил этилган учрашувларда асосий эътибор, ҳарбий хизматчиларнинг ишга муҳтож бўлган оила аъзоларини иш билан таъминлашга ҳамда жойлардаги қўмондонликлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ ҳал этилмаётган муаммоларга қаратилган натижада идоравий тартибда ушбу муаммоларнинг қонуний ечимини топишга қўмаклашилди.

Ҳаммаимизга маълумки, аҳоли ўртасида келиб чиқаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, қолаверса, бошқа нохуш ҳолатларнинг аксариятига бекорчилик сабаб бўлмоқда.

Шу боис, ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий хизматчилар билан ўтказилган учрашувларда уларнинг оила аъзолари бандлигини атрофчида ўрганиб, натижада кўра ҳарбий хизматчиларнинг ишга муҳтож бўлган оила аъзоларини ишга жойлаштиришда қўмаклашиш юзасидан кенг ҳажмли тadbirkorлар ташкил қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг 6 ойда ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий округлар, ҳарбий қисм қўмондонликлари, туман ва шаҳар прокуратуралари, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда республикаимиз ҳудудида 12 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил қилинди ва уларнинг натижалари бўйича жами 937 нафар ишга жойлашиш истагида бўлган ҳарбийларнинг оилалари иш билан таъминланди.

Хусусан, Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан Фарғона шаҳри ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган турмуш ўртоқлари ва бошқа оила аъзоларига ишга жойлашишда қўмаклашиш мақсадида Фарғона шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда, шаҳар ҳудудидаги қорхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида 2011 йил 7 июнь кuni ўтказилган меҳнат ярмаркаси натижада 191 нафар, Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан Бухоро вилояти маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркасида 210 нафар ишга жойлашиш истагида бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўзларининг мутахассисликлари бўйича ярмаркада бўлиш иш ўринлари билан қатнашган қорхона, ташкилот ва муассасалар билан меҳнат шартномаларини тузишиб, ишга жойлаштирилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимояси ҳарбий прокуратуранинг асосий эътиборида бўлиб, ўтказилган тadbirkorлардан қўланган асосий мақсад, ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат билан банд бўлмаган турмуш ўртоқлари ва бошқа оила аъзоларини иш билан таъминлаб, ҳарбий хизматчиларнинг турмуш шaroитларини яхшилашдан иборатдир.

Тараққиётнинг муҳим омили

Ўзбекистон жаҳондаги 200дан зиёд давлат орасида ўз ўрни ва обрўсига эга мустақил, суверен давлат. Қушдан-қуш чирой очиб, гуллаб-яшнаётган бу мамлакат ўзининг меҳнатшар ва барикент халқига, улкан табиий ресурсларига, чексиз имкониятларига эга.

Бутун халқимиз истиқлолнинг 20 йиллигини нишонламоқда. Бу қутлуғ сана кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йилида нишонланаётганининг ўзига хос маъноси бор. Зеро, аҳоли фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омилidir. Шу боис юртимизда тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги "Кичик тadbirkorликни ривожлантириш механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тadbirkorлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни қонуний талаб этиладиган учун жавобгарлиқни қўлайтириш тўғрисида"ги Қарори, 2005 йил 14 июлдаги "Тadbirkorлик субъектлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2005 йил 5 октябрдаги "Тadbirkorлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2006 йил

24 майдаги "Тadbirkorлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги "Тadbirkorлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тadbirkorлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қўлайтириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларининг 2011 йил 1-қўриқ йилликдаги асосий эътибори юқорида айтиб ўтилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилди.

Маъмур йўналишлар бўйича ўтказилган текширишларда бир қатор хато ва камчиликлар аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 42 та тақдирнома киритилиб, қонуннинг қарорларга 33 та протест келтирилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди. 118 нафар тadbirkorнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Беруний туман Ф.Ғулом кўчаси 30-уйда яшовчи фуқаро А.Айтбоева туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қўнроқ қўлиб, хусусий фирмага ак-

Ерпўлат КАИПБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори ўринбосари

ратиб берилган ер майдони туман ҳокимиятининг қарорига асосан олиб қўйилганлигини айтиб, ерни қайтариб олишда ёрдам беришни сураган.

Туман прокуратурасининг ариштируви билан тadbirkorнинг ҳуқуқи тикланди.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 2 март кuni "Бустонингросавдо" хусусий қорхонаси раҳбари М.Қалмуратов Эликқалъа туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи А.Авезов 1 млн. 987 минг сўмлик, туман йўл ҳўжалиги пулрат-таъмирлаш фойдаланиш қорхонаси 1 млн. 922 минг сўмлик қўрилиш материалларини олиб, пулини тўлаб бермаётганлигини қўрсатган. Ариза юзасидан ўтказилган текшириш давомида тadbirkorнинг тараққиёт этишдаги энг муҳим маблағларининг тўлаб берилиши таъминланди.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Энг муҳими, истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш йўлидаги ҳар қандай тўсиқни бартараф этиш мамлакатнинг тараққиёт этишдаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Прокуратура органлари ходимлари ҳам бу эзу ишта ҳисса қўлиши ҳамда тadbirkorга камарбаста бўлишда давом этверадилар.

Давр кишисининг маънавий қиёфаси

Қайом РАҲАБОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси катта инспектори

Дунё тамаддунининг ривожланиши, юксалишига юз тутган даврларда ўзининг фидойилиги, ватанпарварлиги, билим салоҳияти билан тарих саҳифаларида қолган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Усмон Носир, Чўпон сингари юзлаб аждоғларимиз, буёқ инсонлар жасорати ҳақида биламиз

Мустақилликнинг ўтган 20 йиллик даврида шўролар тизими мафкурасидан тозаланган, маънавий покланган қатламдан фарқли ўлароқ янада маънавий қомил, интеллектуал билимли, тафаккури миллийлик руҳида суғорилган, истиқлол, озодлик, эрк, Ватан тўшунчаларини чуқур англайдиган давр кишилари шаклланди, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз Президентини эътироф этганидек, "Ҳар қандай ташкилот, қорхона ёки жамоанинг тақдир ва истиқболини юксак даражада, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади".

Шу нуқтага назардан давлат тараққиёти, юрт равнақи, асосий қонун устуворлигини таъминлашда Департамент ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зотан, кадрлар заҳираси тизимининг шаклланиши, улар салоҳиятининг давлат таъбирида жавоб бериши, касб маҳоратининг юксаклиги давлат структураси мукамаллиги, иқтисодий қудрати қонуний мустаҳкамлигини белгилайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олинган тайёрлаб қўйилган мутахассис ва раҳбарларнинг ўзи йўқ. Ҳаммаимиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққани-

мизни тан олишимиз керак. Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрлашдан, тарбия қилишдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз".

Шу ўринда мулоҳаза қилиб қўрайлик: янгича фикрлайдиган кишиларни тарбиялаш, онг ва тафаккурни, маънавиятни қотиб қолган қобилидан чиқаришдек машаққатли жараян истиқлолнинг ўтган йилги йиллик даврига тўғри келди.

Бугун фуқароларимиз қонунлар моҳиятини англаб, уни ҳурмат қилишни, ўрни келганда, ўз ҳақ-ҳуқуқини, эркини ҳимоя қилишни ўрганди. Бу ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасидаги масъулиятни оширди.

Бугун шу юрт фуқаросиман деган ҳар бир юртдошимиз Ватан равнақи, мамлакат тараққиёти учун улут қўлиниши, ҳақ учун хизмат қилишни улут саноат деб билади.

Давр кишисининг маънавий қиёфаси унинг ватанпарварлиги, фидойилиги, эл-юрт хизматига камарбасталиги каби қизилар билан ифодаланиши ҳаётини эътирофга айланди. Бинобарин, бизнинг ўзгичлиги илгизлари соғлиқлик ва саноқат, фидойилик ва жасорат туйғулари билан суғорилган.

Қонунийлик тарафдоримиз

О.МИРАСИЛОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг
Олмасор туман бўлими катта
суриштирувчиси

Хукуматимиз томонидан тadbirkorлик субъектларига яратилаётган шарт-шaroитлар ва уларнинг барқарор ривожланишлари учун қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар шубҳасиз, бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада оширмоқда. Аммо бундай қонуний шaroитлардан фойдаланмасдан, ўз гараз мақсадлари йўлида ёлгон тadbirkorлик билан шугулланаётган фуқароларнинг ҳам учраётгани ачинарли ҳол, албатта.

Чунончи, Департаментнинг Олмасор туман бўлими томонидан ўтказилган тadbirkorда фуқаро Аҳт-

жон Қувоннов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай тadbirkorлар сирасидан чиқиб қолди. У назорат қилинмайдиган даромад қўриш мақсадида, 2011 йилнинг январь ойда Тошкент шаҳрида жойлашган "Абу Саҳий" бозоридан келиб чиқиб манбаи, сифат сертификати ва бошқа тегишли ҳужжатлари бўлмаган 177 турдаги 257 донга уй-рўзгор электр товарларини 5 млн. сўмга сотиб олади. Сўнг, маъмур товарларни 15 млн. 510 минг сўмга сотишни қўлаб, Олмасор тумани Камарнисо кўчасида жойлашган 1221-сонли гаражга жойлаштириди. Тadbirkorда ҳеч қандай ҳужжатсиз сақ-

ланаётган уй-рўзгор электр товарлари давлат эътилоғига олиниб, тегишли тadbirkorлик ҳуқуқига эга бўлмаган Аҳтжон Қувонновнинг қилмишига хотима қўйилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, қонуний фаолият ва тегишли сифат сертификатларисиз савдо қилишни ҳал қилиб юрган баъзи бир тadbirkorларимиз унутмасликларки, ҳар қандай қонуний ҳатти-ҳаракат учун тегишли жавобгарлик белгиланган.



Порлоқ келажак ва истиқбол сари

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлар эканмиз, юртимиздаги барча соҳа вакиллариининг меҳнатини эътироф этмасдан бўлмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга сўзсиз прокуратура органларининг ўз ўрни бор. Республика Бош прокуратураси Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Исом ЖАСИМОВ билан суҳбатимиз ушбу бошқарма тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилиниши ҳақида бўлади.

— Давлатимиз мустақиллигининг ilk кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бормоқда. Бу борада прокуратура органларидан ҳам ўзига яраша меҳнат ва масъулият талаб қилинади.

— Албатта, истиқлол туфайли халқимиз онгда чукур маънавий-руҳий ислохот амалга ошди. Булар аҳолининг қонунларимизга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, прокуратура тизимига муносабатларида кўринмоқда. Бугунги глобаллашув жараёнида тенглар ичра тенг бўлиш, келажак авлодлар тақдирдан хотиржам бўлиб, озода ва обод юрт қолдириш учун фақат қонунларга таяниб яшаш зарурат эканлигини фуқароларимиз англаб етмоқдалар.

Бу борада бошқарма тарихига тўхталмай иложимиз йўқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кундан кейинги, яъни 1992 йил 9 декабрь куни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Буни, аввало, давлатчилиқни шакллантириш ва миллий қонунчилик яратилмаган шароитда барқарорлиқни, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг ҳамда бошқа жамиятга зид ҳодисалар кенг тарқалишининг олдини олиш ўта зарур бўлганлиги билан тушултириш мумкин. Бу борадаги вазифани бажаришда эса ҳал қилувчи ўрин прокуратура органларига тегишли эди. Шу боис, вазият прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини зудлик билан яратиш ва уни тартибга солиш талоқоз эди.

Қонунга асосан барча вазирликлар, муассасалар, қўмиталар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этиш устидан назорат қилиш (умумий назорат) прокуратура органларининг асосий йўналишларидан биттаси сифатида белгиланди. Мазкур йўналишда прокуратуранинг фаолиятини ташкил этиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси ва қуйи прокуратураларнинг тегишли бўлиmlарига юклатилган эди.

Мустақиллигининг ilk йилларида прокуратуранинг умумий назорат фаолияти ўша даврга хос бўлган бир қатор хусусиятларга эга эди. Биринчидан, прокуратура республика суверенитети остига ўтказилган

бўлса-да, (1992 йил 8 январдан) то Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни қабул қилингунча назоратни амалга оширишда собиқ Совет Иттифоқи прокуратураси тўғрисидаги қонундан фойдаланиб келинган. Иккинчидан, назоратни миллий қонунчилик эндигина шакллантириб, аксарият ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш қонунлар мавжуд бўлмаган шароитда ташкиллаштириш талоқоз этган эди. Бундай шароитда назоратни ташкил этишнинг қийинчилиги шунда эдики, текширишни ўтказиш ва таъсир чоралар қўллашда собиқ Совет Иттифоқи қонунларидан, агарда улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид ёки қарама-қарши бўлмаган тақдирда, фойдаланиш мумкин эди.

Миллий қонунчилик шаклланиши сари прокуратуранинг умумий назорат фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиши ва мустақил равишда ташкил этиш тажрибасини шакллантириш масалаларида Республика прокуратураси раҳбарияти ва бошқарма томонидан алоҳида эътибор бериб келинган. Шу боис ҳам, бошқарма ўз олдига турган вазифаларини самарали бажариб, ўтиш даврида мамлакатимиз иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, молия ва бошқа соҳалардаги ислохотларни рўйбга чиқаришда, эндигина шакллантирилаётган тадбиркорлик ва фуқароларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлаш ҳамда жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугун элимиз бўйлаб байрам шуқуҳи кезаётган лаҳзаларда бу ўзгаришларни бежизга эътироф этаётганимиз йўқ. Инсониятни, жамият ва давлатни келажак сари етакловчи, тараққиёт сари элтувчи омили бу мақсаддир. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, қандай мақсад билан яшаётганимизга боғлиқ. Мустақиллиқнинг ilk даврида-ноқ мамлакатимиз ўз олдига қатъий мақсад қўйиб оқимлади, десак адашмаймиз.

Бугун юртимизда кечаётган ҳуқуқий ислохотлар, амалга киритилаётган қонунлар, қарор ва фармонлар шунга йўналтирилган. Биргина эътироф: Бош Қонуниимизнинг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул-дирлар", деб баён этилган.

Қарийб 20 йилдирки, прокуратура органлари ҳам ана шу масъулликни ҳис этиб, фаолият олиб бормоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси, воғза етмаганлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимоя масаласи, умуман, тизим зиммасига юклатилган кенг қамровли фаолиятнинг барча қирраларида кўринади.

Айниқса, 2000 йилга келиб мамлакатимизда амалга ошириб келинган суд-ҳўқуқ ислохотлари миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни янада демократлаштириш ва бунинг мантиқий давоми сифатида прокуратуранинг ҳўқуқий мақоми ва фаолиятини давр талабига мослаштириш, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда тақомиллаштиришни талоқоз этди.

Бу вазифалар 2001 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда ўз ечимини топди. Қонунда прокуратуранинг ҳўқуқий статуси ва унинг давлатчилик-ҳўқуқий институтлар тизимидagi ўрни аниқ белгилаб берилди. Мазкур қонун прокуратуранинг умумий назорат йўналишидаги фаолиятига ҳам бир қатор янгилар киритилишига сабабчи бўлди. Биринчидан, бутун фаолияти жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонунбузилишларни тезкор равишда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳўқуқ-тартиботи-ни мустаҳкамлаш борасидаги жамият талаблари қондирилишига жавоб берадиган прокуратура органлари давлатимиз ва жамиятимизга керак эканлиги яна бир бор исботланди.

Иккинчидан, прокуратура фаолиятининг мақсади ва вазифалари тубдан ўзгарди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор". Шунинг учун ҳам то-талият режимдан қолган асратдан, яъни фуқаролар устидан назорат қилиш ваколатидан воз кечилди. Эндиликда ҳар бир ваколатни амалга оширишда фуқароларнинг қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура ҳодимларининг бosh мақсади ҳисобланади. Учинчидан, прокуратуранинг ҳўқуқни ҳимоя қилиш функциялари қучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус бosh киритилиб, унда инсон ва фуқаролар ҳўқуқ ва эркинликларини бево-сита ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топган.

Инсонпарварлик нуқтаи на-заридан бу янгиларнинг ўта муҳим аҳамиятга моликдир. Таъкидлаш лозимки, прокурорнинг назорат ваколатларини, унинг имкониятларини инсон ва фуқаронинг ҳўқуқлари ҳимоясига йўналтириб, давлати-

миз инсон ҳўқуқлари ҳимояси кафолатларини қатъиян таъминлашида манфаатдор эканлигини яна бир бор на-мойиш этди. Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги 3406-сонли "Қишлоқ ҳўжали-гда ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонун-лар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муно-сабати билан прокуратура органларининг янги тузилма-си тасдиқланди. Унга кўра, ав-валги умумий назорат бош-қармаси ва жойлардаги бўлим-лар ўрнига Бош прокуратура-да фуқароларнинг ҳўқуқ ва эр-кинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокура-тураларида фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, жамия-т ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиmlари ҳамда бошқарма таркибида Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонуний-ликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ташкил қилинди.

— Бошқарма ўз фаолияти-да қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда?

— Бошқарма ўз фаолиятини 2004 йил 12 апрелда тасдиқ-ланган Низом асосида амалга оширади. Таъкидлаш жоизки, у "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғи талаблари асосида қатор ишларни амалга ошир-моқда. Биринчи навбатда, ки-чик бизнес ва хусусий тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш, меҳнат, таълим-тарбия, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимояга, қишлоқ инфратузилмасини ри-вожлантиришга оид қонун ва қороллар ижросига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу жумладан, ижтимоий адолат та-лабларига риоя этмаслик, ин-сон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда шах-сий ҳўқуқ ва эркинликларининг поймол этилиш ҳолларига бар-ҳам бериш ҳам бошқарманинг устун вазифаси сифатида бел-гилаб олинган.

Зеро, 2007-2010 йиллар ва 2011 йилнинг биринчи чора-гида белгиланган йўналишлар бўйича бевосита бошқарма-нинг ўзи томонидан 110 мар-та текшириш ўтказилди. Шу жараёнда қонуний ҳўжат-ларда нисбатан 490 та протест келтирилди. Аниқланган қонун-бузарликларни бартараф этиш ҳақида 139 та тақдиминоа ки-ритилиб, 199 нафар мансаб-дор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохлан-тирилди. 778 нафари интизо-мий ва маъмурий жавобгар-ликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар бўйича 130 та жиноят иши қўзғатилиб, 4 млрд. сўмдан ортқ зарарнинг ихтиёрий равишда ундирили-шига эришилди.

Ҳукуматимизнинг "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичим-лик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш-га доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида"ги Қарори ҳамда аҳолига транспорт хиз-мати кўрсатиш ва электр энер-гияси билан таъминлаш тўғри-сидаги қонунлар ижроси юза-сидан ўтказилган текширишда, мазкур ҳўжатлар талаблари тўлиқ бажарилмагани маълум бўлди. Масалан, яроқсиз ҳолга келган 16 минг километрлик сув тармоқлари ўз ҳолига таш-лаб қўйилгани оқибатида 391 та қишлоқ ичимлик суви, 458 таси муқобил сув манбаси би-лан таъминланмагани маълум бўлди. Шунингдек, 592 та қиш-лоқда яшовчи 300 мингга яқин аҳолини табиий газ, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар-даги 24 та қишлоқни суёлти-рилган газ билан таъминлаш ишларига умуман аҳамият бе-рилмагани фош этилди.

Таълим тўғрисидаги қонун-лар ижроси Давлат тест мар-кази ҳамда Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлигида ўрга-нилганда, қатор қонун бузили-ши ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Давлат тест мар-казида "Стандартлаштириш тўғрисида"ги ҳам "Таълим тўғ-рисида"ги Қонунлар талаблар-ига зид равишда "Ўзстан-дарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтмаган ўқув йўна-лишлари бўйича тест синов-лари вариантлари тузилганли-ги қайд этилди. Шунингдек, 2006-2008 йилларда аттес-тациядан ўтказилиши лозим бўлган 496 та ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассаса-ларидан биронтасида, шунинг-дек, 1666 та мактабгача таъ-лим ва 2448 та умумий ўрта таълим муассасаларида аттес-тация ўтказилмаган. Бундан ташқари, хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжатини нострификациялаш айрим ҳоллардагина синовдан ўтказилиши лозим бўлгани ҳолда, 7949 нафар талабгор ҳеч бир асосиз тест синовига жалб этилмаган.

Бошқарманинг асосий фа-олият ва йўналишларидан яна бири давлат ва жамият ман-фаатларини ҳимоя қилиш ҳис-обланади. Бу борадаги қонун-лар ижроси юзасидан ўтказил-ган текширишларда бир қатор жиддий қонунбузилиши ҳолат-лари аниқланди, тегишли про-курор назорати ҳўжатлари қўлланилган. Жумладан, ўтқа-зилган текшириш натижасига кўра, бошқарма томонидан "Ўзбекнефтегаз" МХК, "Ўз-трансгаз" АК, "Ўзбекэнерго" ДАК, Давлат геология қўмита-си, "Тошкент" РФБ, "Ўзшаҳар-созлик ЛИТИ" АЖ, Тошкент шаҳридаги "Карвон бозори" ЁАЖ, "Тошкентбoshплан ЛИТИ" ДУК ва бошқа ташкилотлар-нинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Мустақиллик эркинлик, ҳуқуқ ва халқ фаровонлиги кафолатидир

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Улардан энг муҳими сифатида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисmini қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳукумат томонидан амалга оширилаётган сиёсатни, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, қатагон йилларида қонунсиз репрессия қилинган ватандошларимизга нисбатан бўлган "жиноят иш"ларини қўриб чиқиш, уларни реабилитация қилиш жараёнида қатнашиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўлиниши таъминлаш, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ривожига ҳалақат берувчи тўсиқларни бартараф этиш, энг асосийси, ҳалқимизнинг азалий қадриятларига ёт бўлган диний-экстремистик оқим ва ташкилотларнинг гаразли ниятларини фожия эшти жараёнини қўрсатиш мумкин.

Мустақиллик арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда пойтахтда қотиллик, талончилик, автотранспорт воситаларини олиб қочиш каби айрим турдаги жиноятларнинг содир этилиши кескин ошган бўлиб, Ўртабосимизнинг бевосита топирига асосида бундай ҳолатларга чек қўйилиш, лозим бўлса амалдаги қонунларга тегishли ўзгартиришлар киритилиши юзасидан амалий чораларнинг зудлик билан қўрилиши натижасида бундай жиноятларнинг содир этилиши ва фожия қилиниши қўрсаткичи кескин даражада камайишига эришилди.

Пойтахт прокуратураси органларида, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ҳамда текзор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти устидан назоратни таъминлаш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш масалаларига ҳам жиддий ёндашилди. 1999 йил февраль ойида, 2004 йилнинг март-апрель ва июль ойларида Тошкентда, 2005 йил баҳорида Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларни тўла фожия эштиш, айбдор шахсларни аниқлаб, жазо муқаррарлиги таъминланишида ҳамда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашда фаоллик қўрсатилди.

Республикада барча соҳалардаги каби ҳуқуқий соҳада ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб борилади, айниқса, 2001-2005 йилларда мазкур соҳадаги ислохотлар жадаллашиб, тўри бўлиш касб этди.

Бу даврларда муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида, жумладан, халқаро ва минтақавий тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, мавжуд бўлган масала ва муаммоларни дипломатик муносабатлар асосида тинч ҳал этиш юзасидан бир қатор кенг қамровли ва чуқур мазмунли ишлар, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказилиши, қонунчиликнинг либераллаштирилиши

"Қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс ва ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун оламида ҳамма баробардир".

Ислом КАРИМОВ

ҳамда 2009-2010 йилларда юз берган жажон иқтисодий инқирозининг республикамиздаги оқибатларининг олдини олиш чораларини қўриш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган мазмунасида: "Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қўрилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди", деб таъкидлаган эди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан бу даврларда пойтахтда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка, шу жумладан, диний экстремизм ва терроризм ҳамда коррупция ва шу каби унинг айрим қўрилишларига қарши кураш ва олдини олиш, қонунчилик асосларини янада тақомиллаштириш, ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бориш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шуёбу масалаларга бундай эътибор қаратилиши беҳиж бўлмасдан, ушбу йилнинг азалий қадриятларининг махсуси сифатида, ҳуқуқий онги ва билимининг ўсиши, тинч ва осуда турмуш кечириш, меҳнат қилишга ҳалақат берувчи ҳар қандай салбий иллатларга муросасизлигининг ошиб бораётганлигини қўрсатади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида прокуратура органлари бугунга келиб, ёппасига назорат қилувчи, жазоловчи ва қораловчи орган эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланди.

Қўнони, мустақилликдан буён ўтган 20 йил давомида Тошкент шаҳар прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушаётган муножаатлар муттасил равишда йилдан-йилга ортиб бормокда. Масалан, 2000 йилда келиб тушган муножаатларнинг 51,4 фоизи бевосита шаҳар прокуратураси органларида ҳал қилинган ва шундан 575 таси қаноатлантирилган ҳамда 6036 нафар фуқаро шаҳар прокуратура органларида қабул қилинган эди.

2010 йилда эса, келиб тушган муножаатларнинг 1093 таси қаноатлантирилиб, жами 15971 нафар фуқаро шаҳар прокуратура органларида қабул қилинган.

Ўқорида қайд этилганлардан қўринадик, шаҳар прокуратураси органларида келиб тушган муножаатлар ва қабул қилинган фуқаролар сони 2010 йилда 2000 йилга нисбатан кескин даражада қўнғайган бўлиб, бу ҳолат шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқ тарғиботи жараёнига жиддий эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ўтказилган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, шу жумладан, дастлабки тергов ва суриштирув устидан прокурор назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида эса, пойтахтда тергов сифати ва унинг жараёнида фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш яхшиланди.

Қўнони, Тошкент шаҳар прокуратураси ва ички ишлар органларида тергов қилинган жиноят ишларидан 1990 йилда 10-15 фоизи, 2000 йилда эса 5 фоизга яқини судлар томонидан қўшмача терговга қайтарилган бўлса, 2010 йилда судга юборилган барча жиноят ишларидан 0,2 фоизи қўшмача терговга қайтарилган. Шаҳар прокуратураси органлари томонидан мустақилликнинг ўтган йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида энг долзарб, шу жумладан, фуқароларнинг нафақа, пенсия ва бошқа ижтимоий ҳимояси тўловлари, бюджет маблағларининг мақсадли ва тўғри сарфланиши, соғлиқни сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, тўлов интизоми ва бошқа масалаларга оид қўнғайлар ижросининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ҳар йили юзлаб самарали текширишлар ўтказилиб, аниқланган қўнғайларни ва ҳуқуқбузарликлар юзасидан қўнғайларда белгиланган тартибда прокурор назорати ҳўжаатлари қўнғайиб, мунглаб фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, кейинги 5 йил давомида шаҳар прокуратураси органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган назорат текширишлари натижалари бўйича 52404 та прокурор назорати ҳўжаатлари қўнғайилди. Фуқароларнинг манфаатларини қўлаб, судларга жами 10 млрд. 854 млн. 556 млн. сўмлик 16278 та даъво аризалари киритилди.

Фақатгина, 2011 йилнинг 1-йрим йиллигида ўтказилган текширишлар натижасига қўра 6485 та прокурор назорати ҳўжаатлари қўнғайилди. Судларга 6.918.459 минг сўмлик 1856 та даъво аризалари киритилди. 981 шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мустақиллик йилларида мамлакат пойтахтида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилган ишлар натижасида шаҳар аҳолисининг фаровонлиги йилдан-йилга юксалмокда. Зотан, қўртимизда қўлга киритилаётган иқтисодий муваффақиятлар — энг олий қадрият сифатида эъзозланаётган инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилмокда. Бунинг айрим соҳаларда эришилган натижалар миқсолида ҳам қўришимиз мумкин.

Масалан, 1991 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9609,2 млн. сўмдан, шундан истеъмол моллари 5764,4 млн. сўмдан иборат бўлган бўлса, 2010 йил якунига келиб 5983,5 млрд. сўмлик, шундан истеъмол моллари 2609,4 млрд. сўмликни ташкил этган. 1991 йилда халққа 0,9 млн. сўмлик пуллик хизматлар қўрсатилган бўлиб, кейинги 7-8 йил ичида аҳолига маиший хизмат қўрсатиш шохобчалари сони 2 баробар қўнғайгани ҳолда хизмат қўрсатиш соҳаларининг тез суриятлар билан ривожланиши иқтисодий ўсишнинг зарур омилга айланди. 2010 йилда бу қўрсаткич 67 фоизга тенг бўлган ҳолда 2350,6 млрд. сўмликни ташкил этган, шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши 1991 йилда 1875,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу қўрсаткич 4954,3 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган.

Шунингдек, агар 2000 йилда яппи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши ўртача 5,2 фоизни ташкил этиб, 398,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу қўрсаткич 12,4 фоизга етказилиб, 9820,1 млрд сўмдан иборат бўлган.

Булardan ташқари, Тошкентнинг эски шаҳар қисми ўзига хослигини инобатга олиб, 1995 йилдан бошлаб унинг инфратузилмасини комплекс шакллантириш ишлари пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасига асосан амалга оширила бормокда.

Пойтахтнинг қиёфаси қўнғайдан қўлаб кўлаб бориши сабабларидан бири уни реконструкция қилиш жараёнида атроф муҳитга зарар етказувчи корхоналарнинг шаҳар ташқарисига қўчирилиши, истироҳат боғлари,

асосий бозорлар янгидан қўрилиши ҳам муҳим роль ўйнади. Осмонўпар бизнес-марказларнинг улғув бинолари, замонавий меҳмонхоналар меъморчиликнинг янги ютуқларидан фойдаланиб қўрилди. Музейлар, замонавий спорт мажмуалари, маданият саройлари, маҳобатли кўприқлар ва йўллар, икки қаватли эстакадалар, қўлай ўтиш жойлари бунёд этилди.

Аҳоли ихтиёридаги жами спорт иншоотлари сони 2116 тани, жумладан, стадионлар 14 тани, спорт заллари 632 тани, сузиш бассейнлари 45 тани, теннис кортлари 158 тани, баскетбол майдончалари 306 тани, волейбол майдончалари 341 тани, қўлтўпи майдончалари 80 тани, мини-футбол майдончалари 295 тани ташкил этди. Шаҳарда 654 та спорт жамоалари фаолият юритмокда. Буларнинг барчаси пойтахт халқининг фаровон ва осуда ҳаёт кечириши, эмин-эркин ишлаши ва ижод қилиниши, дам олиб, хордик чиқаришлари ҳамда ўзлари севган машғулотлар ва спорт турлари билан шўғулланишлари учун хизмат қилмокда.

Ҳуқуқий давлат тушунчасининг ўзи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мадқуравий ва маънавий муносабатларнинг ҳуқуққа асосланганлигини, бу ижтимоий муносабатларда барча манфаатлар ҳуқуқий таъминланганлиги ва кафолатланганлигини ифода этади.

Мустақилликнинг ўтган 20 йили давомида, пойтахтда юқорида қайд этилган қатта миқёсдаги ишларнинг амалга оширилишида, шу йилларда шаҳар прокуратураси органларида хизмат қилган ҳар бир ходимнинг ўзига яраша ҳиссалари бор бўлиб, қўнғайликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда қўрсатган алоҳида хизматлари учун 15 нафар ходим давлат мукофотларига сазовор бўлишган.

Ҳозирда сафимизда 1 нафар фан доктори ва 2 нафар фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олимлар хизмат қилмокдалар.

Бундан кейин ҳам пойтахт прокуратураси органлари қўнғайи ваколатлари доирасида қўнғайлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда, қўнғайлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг кафолатланишида фаол қатнашиб, пировардида қонун устуворлиги таъминланишига эришиш бора-бора куч-ғайратларини сафарбар этадилар.



Тараққиёт мезони

Барқарор ривожланиб келаётган мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи ошиб бормоқда. Буни соҳани ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий самараси дейиш мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босқоқдан катта ҳақимияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди".

Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараён прокуратура органлари зиммасига ҳам қатор масъулиятли вазифаларни юклатмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, соҳага доир қонун ҳужжатлари ижросини қатъий таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш ва бу борада прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш

ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида, шаҳар прокурорининг фармойишига асосан доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланган. Гуруҳ томонидан тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, муаммолар ва ўз ечимини топмаётган масалаларини ҳал этишда амалий ёрдамлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳайъатининг 2010 йил 30 июлдаги 5-сонли мажлиси баённомаси талабларини таъминлаш мақсадида шаҳар прокуратураси барча мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан учрашувлар жадвали ишлаб чиқилди. Шаҳар ва туман прокурорлари томонидан йилнинг ўтган 7 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 188 та учрашув ўтказилган. Уларда қатнашган 13656 дан зиёд тадбиркордан 1562 нафа-

Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

рига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 215 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Шу жумладан, бевосита шаҳар прокуратураси томонидан 11 та учрашув ўтказилган.

Шунингдек, 39 нафар тадбиркорга 7 млрд. 304,3 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олинишида, 176 нафарига янги жамият ташкил қилиш, жамият Низоми рўйхатга олинишида ёки бирон-бир фаолият билан шуғуланиш учун рухсат берувчи гувоҳномалар олинишида яқиндан ёрдам берилди.

2011 йилнинг 1 август кунига қадар тадбиркорлар томонидан назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши юзасидан 42 та муурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 6 таси қаноатлантирилган, 15 таси ўз тасдиғини топмаган, 21 таси юзасидан эса муурожаат этувчиларга батафсил тушунтириш берилган.

Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратурасининг ишонч телефони "Робия-К" хусусий кор-



хонаси бош ҳисобчиси Р.Раҳимов муурожаат қилиб, ОАТ "Туронбанк" марказий амалиёт бошқармаси томонидан асоссиз равишда ҳисоб рақамидagi пулларни бериш рад қилинаётганлигини баён қилган.

Муурожаат шаҳар прокуратураси томонидан қўриб чиқилиб, унда келтирилган вазилар ўз тасдиғини топган ва ОАТ "Туронбанк" марказий амалиёт бошқармаси нақд пул муомаласи бўлими етакчи мутахассиси П.Икрамовга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, банкдан пул тушумларининг олиниши таъминланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 14 та текширув ўтказилган бўлиб, натижаларига кўра қонунбузилиш ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 19 та

тақдимнома киритилган. Қонун ҳақ қарорларга нисбатан 20 та протест киритилиб, 29 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 209 нафар шахс расман огоҳлантирилган, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 12 та жиноят иши қўзғатилган ва прокуратура аралашуви билан 138 нафар тадбиркорнинг муаммолари ҳал қилинган.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорлик фаолиятига оид барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мужассамлаштирилган "Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари ва тадбиркорликнинг масъулияти" бўйича бюллетень ишлаб чиқилди. Унинг қулайлиги шундан иборатки, қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар схема-жадвал тарихида берилган. Шунингдек, бюллетеннинг "CD" форматдаги электрон шакли мавжуд бўлиб, хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари доимий эътиборда

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йили "Баркамол авлод йили" деб эълон қила туриб: "Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саолати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоднинг тарбиялаш орузи туради", деб айтган фикрлари замирида ёшлар сиёсати давлатимизнинг энг устувор сиёсати эканлиги ўз ифодасини топган.

Сергели туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тамойили асосида иш олиб бориляпти. Туманда жорий йилнинг ўтган даври давомида мазкур йўналишда 16 та текшириш ўтказилди. Текшириш натижаларига кўра, 2 та ноқонуний қарорга протест келтирилди, қонун талабларининг бузилиши, келиб чиқиш сабаблари ва уларга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 19 та тақдимнома киритилди, 15 нафар мансабдор шахсга огоҳлантирув эълон қилинди. Қонунбузилишга йўл қўйганлиги учун 34 нафар шахс интизомий, 19 нафар шахс маъмурий ва 12 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Судларга вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўзлаб, 3 та даъво аризаси киритилди. 2 та жиноят иши қўзғатилиб, 1 млн. сўмга яқин зарар ихтиёрий равишда ундирилди.

Бундан ташқари, ёшларни, аynиқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги иш ўринлари ташкил этиш, корхоналар ва коллеж битирувчилари ўртасида уч томонлама шартномалар тузилиб, ўқий муддати тугаган, иш фаолиятини давом эттиришлари учун имкониятлар яратилмоқда. 2010-2011 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган 886 нафар ёшлар ўзлари амалиёт ўтаган корхоналарга тўғридан-тўғри ишга қабул қилиниб, бугунги кунда меҳнат фаолиятларини олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, ёшларни иш билан таъминлаш борасида туманда 3 та меҳнат ярмаркаси ташкиллаштирилиб, 329 нафар ишсиз фуқаро иш билан таъминланди, шундан 251 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Жорий йил ёз мавсумида Сергели туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қарарли 4 та умумтаълим мактабида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб, мавсум давомида 1500 га яқин мактаб ўқувчиларининг мароқли дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун бепул йўланамалар тарқа-

Қаҳрамон ТҲҲИЕВ,
Сергели туман прокурори

тилди. Оромгоҳларда яратилган шароитлар туман прокуратураси томонидан доимий назоратга олиниб, болақонларнинг мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари таъминланди.

Шунингдек, тумандаги мавжуд мактаб, лицей, академик лицей, коллеж ва махсус таълим тарбия муассасаларида тарбияланувчи ҳамда таълим олувчи вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, спорт иншоотлари, стадионлар ва спорт билан шуғулланиш мумкин бўлган бошқа жойларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишлари кенг қўламда олиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда туманимизда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. 1500 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар спортнинг 15 дан ортиқ турли билан шуғулланиб келишмоқдалар ҳамда мунтазам ўтказиб келинаётган "Умид ниқоллари", "Баркамол авлод" спорт муассасаларида муваффақиятли иштирок этиб келимоқдалар.

Буюк ва мустақил Ватанимизнинг эртаси, ёрқин келажаги бугун камолга етаётган ёш авлод қўлида экан, уларнинг маънавий оламни юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни ҳар хил зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бу борада бор қуч-ғайратимизни сафарбар этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мана йигирма йиллири, диёримизда истиқлол шамоли эсмоқда. Бунинг шарофати билан мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида илаҳи қазамлар қўйилмоқда. Салкам бир ярим асрлик сиёсий кишанбангликдан озод бўлган Ўзбекистонимизнинг овози жаҳон бўйлаб баралла янграмоқда.

Юксак билим ва маънавият соҳибини

тайёрлаш – асосий вазифамиз

Азамат ҲАЛИМОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш фуқароларни қонунларга иттифоқли руҳида тарбиялаш ва уларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш орқалигина қўзланган самарани беради. Зеро, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда "прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришишда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир" (Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" номли маърузасидан).

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари фаолиятида ана шундай улкан вазифалар юклатилган орган ходимларини нафақат ўз хизмат бурчида садоқат руҳида тарбиялаш, балки уларни етук билим ва юқори малака эгаси этиб тайёрлаш ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги фаолият, авваломбор, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги "Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида"ги 42-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилмоқда.

(Давоми 8-бетда)





/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Улар ўз юртиларидан ўзга юртга келганларида эса ўз чодир, қариндошлари ва мамлакатидан қанча олислашса шунча қудрати ҳамда эътибори ошиб бориб, улардан амирлар, лашкарбосчилар етишиб чиқади. Тарихчи ўз фикрини яна давом эттириб, "Турк шоҳи — донишманд ва мутафаккир Африсийб айтганлари ичида мана шундай гап бор: "Турк денгиз чиганоғи ичидаги дурга ўхшайди, дур ўз уйида яшаганида кийматга эга бўлмайди. Бирок у денгиз чиганоғидан ташқари чикар экан, кийматли бўлади, шохлар тожини ва келинлар қулогини безайди", дейди. Ҳа, асли қадим Кеш туркларининг Лочин ҳазораси қавмидан бўлган Амир Хусрав Дехлавий, Зиёбуддин Нахшабий, Мирзо Фолиб, Фуркат сингари алломаларимиз ўзларининг шоҳ асарлари билан Шарқ адабиёти тожини безаган бўлсалар, Бобурийлар Хиндистонда марказлашган давлат тузиб, ҳам давлатни моҳирона бошқаришда, ҳам баъдий ва илмий ихлодда дунёни лол қолдирдилар.

Буюк қомусий олим Маҳмуд Қошғарий "Амин бўлдимки, Тангри давлат қуёшини турк қўрғонларидан қўққа чиқарганидир, уларнинг мулклари қилиб бутун осмонни фалакни айлантиргандир. Тангри... Ҳақиқат йўлида курашмоқ унун куч берди. Уларга ҳамкор бўлганларни, уларга тарафдор бўлганларни азиз қилди", дея таъкидлаган эди. Келтирилган бу мисоллардан кўриниб турибдики, аждодларимиз қадимда шундай улуг ва ҳар доим жаҳон тараққиётининг қўқ марказида бўлиб келганлар. Шу сабабли Буюк Турон IX-XII ва XIV-XVI асрларда ўзининг Ўғғоншиқ даврини бошидан кечирган. Мамлакатда адабиёт, илм-фан гуллаб яшаган, ажойиб меъморий ечимига эга бўлган осмонлар бинолар ўз салобати билан ҳорикликлар ҳайратини оширган.

XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, ҳаюлат ва қолқоқликка юз тутиди. Ҳу хонлиқка бўлиб кетган минтақа узоқ муддат ўзaro зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жаҳжаллар гирдолида қолди кетгани Чор Россияси босқинчилари учун айнаи мудабо бўлди ва улар юртимизни босиб олиб, мустамаलाкага айлантиришди.

Истиқлол туфайли бир юз ўттиз йиллик маълумлик асоратидан қутулиб, яна ўзлигимизга қайтдик. Юртимиз ҳур, халқимиз озод.

"Таълим тизimini ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ихтимол-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгиди демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жаҳиятдаги ўрнини ўзи белгилайди", деган эди давлатимиз раҳбари ўз мазмунасида. Чунки ҳар бир миллатнинг келажагини ёшлар белгилайди. Уларга берилаётган таълим микёси миллатнинг савиясини кўрсатади. Ёшларнинг муносиб ворислар бўлиб етишишида таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс. Қудратли

давлатлар тарихига назар солсак, улар энг биринчи навбатда ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор қаратганини кўраимиз. Айниқса, таълим тизимига жуда катта сармоя ажратилган. Йиллар ўтиб, бу ўз мевасини берган. Бунга Япония, Германия ва Франция каби давлатларнинг босиб ўтган йўли мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, демократик қадриятларнинг қарор топиши, инсон жаҳиятдаги ўрнини англадан ҳолда ўзи белгилаши мамлакат тараққиёти, халқнинг том маънода фаровон турмуш кечиришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу ўринда эътибор этиш лозимки, мамлакатимиз истиқлолга эришган, халқ таълими тизимига қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик негизда ана шундай эзгу мақсад, мудабо муваффақ бўлди.

Ўқиш ва ўқитиш жараёнига кенг қўламда татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ва "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" ёш авлод таълим-тарбияси масаласи бизда умуммамлакат, умуммиллат ва умумхалқ ишларининг ажралмас қисми эканини исбот этиб турибди. Истиқлол йилларида биргина Қашқадарё вилоятида 214 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди, 232 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 130 та касб-ҳунар коллежи ва 7 та академик лицей қурилди. Мактаб ва таълим-тарбия ишларининг асосий ижроси бўлган ўқувчилар меҳнати, қадр-қимматини ҳамда устозлар обрўсини ошириш ҳам ҳукумат доирасидаги муҳим масалалар қаторидан ўрин олди. Шу йиллар ичида уларнинг ойлик маошлари бир неча баробар оширилди, турмуш шароитлари яхшиланди. Бу эса фидойи ўқувчилар сафини кенгайтирди, муаллим аҳлини иқодий изланишлар сари илҳомлантирди. Устоз-ўқувчиларимизнинг заҳматли меҳнатлари туфайли бугун мактабларимиз ҳақиқий эзгуликлар бешиги, улугликлар сари йўлловчи қутлуг оstonага айланмоқда.

Италияда ўттиздан ортиқ мамлакатнинг иқтидорли муваққилари иштирок этган танловда Р.Глизер номидаги республика мусика академик лицейининг икки нафар ўқувчиси виолончел ва фортепианочилар беллашувида Гран-прини қўлга киритган бўлишича, бир ўқувчи скрипкачилар ўртасидаги бахсда учинчи ўринга муносиб қўрилган, Мексика яшил майдонларида 17 ёшга қадар футболчилар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида чорак финалгача етиб борган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг муваффақияти, мамлакатимиз спортчилари жорий йилнинг 6 ойида турли халқроқ мусобақаларда 101 та олтин, 107 та қумуш ва 176 та бронза медални қўлга киритгани мустақиллик шарофатидан эмасми? Бундай ютуқларга эришилаётгани ҳозир табиий ҳолдай туюлади. Лекин мамлакатимиз истиқлолга эришгунча бундай муваффақиятларни қўлга киритиш оруз эди, холос.

Мамлакатимизда экспорт ҳажмини кўпайтиришга доир

қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 18,7 фоизга ўсди ва 7,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Эътибор беришга, 7,2 миллиард доллар-а! Бундан 20 йил олдин хорижа маҳсулот сотиш орқали Ўзбекистонга шунча маблағ келишини тасаввур эта олармидик. Йўқ.

Бу ҳам бугунги имконият. Эртага, индин Ўзбекистон экспорт бўйича қандай натижаларга эришини тасаввур этиш қийин эмас. Негаки, юртимизнинг экспорт салоҳияти ошиб борапти. Бунда Қашқадарё вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Биргина Қашқадарёда ишлаб қилиш соҳасида қилинган ва айни пайтда амалга оширилаётган ишлар қўлами, киритилаётган инвестициялар ҳажми кишини ҳайратга солади. 2010 йилда вилоятда 1598 миллиард сўм эквивалентига тенг ҳажмидаги инвестициялар (шундан 508,7 миллиард сўми хорижий инвестициялар) жалб этилди. Утган йили янги ички маҳсулотда қилинган бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик улуши 2000 йилдаги 25,8 фоиз ўрнига 55 фоизни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик иили муносабати билан Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун вилоятда 432,8 миллиард сўм микдорда маблағ сарфлаш қўзда тутилиб, жорий йилнинг олти ойида барча манбалар ҳисобидан 307,7 миллиард сўм (йиллик режага нисбатан 71,1 фоиз) ўзлаштирилди. Бу мустақиллик берган имконият, унинг шарофати туфайли амалга оширилаётган ишлар эмасми?

Бундан бир неча йил муқаддам Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да мактаб жиҳозлари қўргазмаси ташкил этилган эди. Қўргазмага шахсан Президентимизнинг ўзлари ташриф буюриб, барча босқичдаги синф ўқувчилари учун парта ва стуллар тайёрлаш, партапараллел бандилиги ўқувчилар ёшига мослиги, уларнинг қўзини қамаштирмайдиган рангда бўлиши ҳақида мустақилликларга қўрсатма ва маслаҳатлар бергандилар. Шу ўринда бир гап. Турмуш ташвишларига ўралашиб, фарзандларимиз учун керак ва зарур масалаларга ҳам баъзида вақт ажратолмаймиз. Муҳим давлат ишларидан вақт орттириб, фарзандларимиз таълим-тарбиясига бу қадар эътибор бераётган Ўзбекистонимиздан фидойиликни ўрганишимиз керак эмасми?

Иқтидорли журналист Маҳмуд ака Пирматов бир кунги иш кабинетига ҳушнуд қайфиятда кириб келди ва сўхбат асосида: "Ҳозирги ёшлар ундок, ҳозирги ёшлар бундок дегувчилар бўл. Менинг бунга эътирозим бор, агар ишонмасангиз хали мактаб ўқувчиси бўлган набирамнинг ёғи имтиҳонда ёзган иншонини кўринг", деб қўлимга бир дафтар тутқазди.

Уни ўқиб кўриб, рости бироз ҳайратландим ва ёшларимиз онгиди Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси шаклланиб, тобора ўсиб бораётганлигига иймон келтирдим. Ишро эркин мазмуда ёзилган бўлиб, "Ватан сурати" деб номланган. Қаранг,

иншонинг номланиши ҳам кишини мулоҳаза юритишга қорлайди: Ватанинг сурати қандай бўлади? Уни қўл билан чиқиш мумкинми? Агар чиқиш мумкин бўлса, бунинг учун қанча маҳорат, неча хил ранг-бўёқ, қай даражадаги иқтидор керак бўлади?! "Ватан бу — мен тугилиб ўсаётган қадрдон ота уйим, она маконим, киндик қоним томган табаррук замин, оstonа хатлаб кўчага чиққанымда ҳар кунни кўриб, яйраб юрадиганим — бизнинг кўчамиз, маҳаллам, жонажон шаҳрим Қарши. Қолаверса, Соҳибқирон Амир Темури бобомиз юрти азим Қашқадарё ва она дёйрим гўзал Ўзбекистон! Ватан бу — ота-онам, ака-укам, севимли бобожону буюхонларим, қариндош-уруғларим, ҳамшаҳарларим, бутун ўзбек халқи! Ватан суратини ҳар бир киши ўз юрагига чизмоғи керак", деб ёзибди у.

Бир ўсмир ўқувчининг Ватан ҳақидаги иншон, ундаги теран фикрлар мени бироз мулоҳаза юритишга қорлайди. Бир донишманд "Болалик бўлаҳак инсон шахсининг негизидир", деган экан. Демак, мамлакатимиз мустақилликка эришган, тугилиб, ҳаётга шахдам қадамлар билан кириб келаётган фарзанду набиларимиз қалбида Ватанга дахлдорлик, шу Ватанинг фарзанди бўлганидан фахр-ифтихор, мамлакат эрки учун мен ҳам масъулман, деган ўй-туйғулар улғаймоқда. Бу ёшлар, демак, Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин тугилигандан ифтихор қилиб яшапти. Ифтихор жой олган қалбда эса халқимизнинг миллий қадриятларига ҳос, бетакорор урф-одатлари, аънаъаналари, осори-оталарига нисбатан масъулият ҳисси ҳам яшайди. Бу мактаб таълимига берилаётган эътиборнинг меваси, амалий натижаси эмасми?

Асли қашқадарёлик, замонанинг зайли билан АҚШнинг Чикаго шаҳрида мўҳим ишда қолган 87 ёшли ҳожи Гиёсиддин ота Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Америкага борган бир юртдошимизга бошидан кечирган азоб-қўбатларни кўзда ёш билан сўзлаб:

— Сизлар қандай бахтли инсонларсиз, чунки ўз Ватанингизда яшайсизлар, Ватан дегани бу — дунёда энг муқаддас, энг олий макон, афсуски, биз ўз қариндошларимиз орасида, жонажон юртимизда эмасмиз, — дея ўқинди. Ўзбекистонга икки марта — мустақилликдан олдин ва мамлакатимиз истиқлолга эришган келганини, самолёт пиллапояларидан тушибок Ватан тупроғини кўзда жиққа ёш билан ўпганларини ва унинг муқаддас тупроғидан ўзлари билан олиб кетаётганликларини тўқиланиб гапириб бердилар.

— Ўзбекистон — менинг Ватаним, ўзбеклар менинг авлодаждодларим, мен то ўлгунимча бу юртни Ватаним дейман. Сизлар менинг юрагимни бир очиб кўрсангизлар, Ватаним Ўзбекистонни қанчалар севимлига имон келтирдирингиз.

Унинг ўзбек мўйтоз қўшиқларини жону дили билан тинглаш, ҳар гапнинг орасида: "сизлар бахтлисизлар, сизларнинг Ватанингиз бор. Биз Америкада ёмон яшаймиз. Ҳамма нарсаси

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

миз бадастир. Фақат Ватанимиз Ўзбекистондан узоқдамиз, шу нарсаси биз учун армон..." дейиши дилларни титратиб юборади. Гиёсиддин ота ва унинг турмуш ўртоғи Ҳақима аянинг ўз юртига — Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббати фарзандларига ҳам ўтган.

Ўйлаб қоламан, наҳотки отонанинг ўз юртига бўлган меҳр-муҳаббати фарзандларига сўт билан, қон билан ўтса?! Шундай экан, она юрт, ота макон деган ўлмас туйғулар ва тушулчалар бежиз пайдо бўлмаган экан-да!

Шўролар ҳукмронлиги даврида ёлгон сиёсатнинг ёлгон ваҳлари билан қатагон қилинган, оқибатда дастлаб Афғонистонда, сўнгра Америка Қўшма Штатларида кўним толган ҳаюртимиз Гиёсиддин ота ва унинг оила аъзоларининг Ватан соғинчи, унинг бир сиқим тупроғини кўзга тўтиё айлалаш ҳақидаги эзгин ҳижоляларини тинглар эканман, севимли шoirимиз Эркин Воҳидовнинг "Садокат" деб номланган шеърининг айрим сатрлари ва ундаги фалсафий ҳулоаса ҳаёлимдан ўтади:

Кекса қарағайнинг

илдизин очиб,

Тортдилар кўш арқон

солиб белидан.

Лекин у тупроққа

панжасин санчиб,

Сира кўзғалмасди

унган еридан...

Ниҳоят, гурс этиб

ерга қулади,

Бутаб, сўнг кўтариб

кетдилар.

Бирок —

У ўз панжасида

олиб жўнади

Яшаган еридан

бир сиқим тупроқ,

Қиссадан ҳисса шуки, Ватан

саждагоҳ, униб-ўсган жойининг

бир сиқим тупроғи, нафакат ин-

сонлар учун, балки ўсимлигу

турли гиёҳлар, дархатлару

буталар учун ҳам азиз ва мўста-

бар экан. Унинг сарҳадларини

ғанимлардан ҳумоя қилиш, бир

сиқим тупроғини кўзга тўтиё

айлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз,

ҳам қарз. Асрий орзулари уша-

либ, буюк ва қудратли Ватан

қуриш истигада ёниб яшаётган

халқимизни эса ҳеч ким, ҳеч қан-

дай гоё ёки кў ўзи танлаган,

ҳақ йўлидан огдира олмайд.

Биз юқориди номларини тил-

га олган ота-боболаримиз фи-

дойи ва миллатпарвар инсонлар

бўлиб, ўз шахсий манфаати,

ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-

лугу манфаати, юртимиз тарақ-

қиёти учун амалга оширган эзгу

ишлари авлодлар хотирасидан

асло ўчмайд.

Президентимиз Ислам

Каримов "Юксак маънавият —

енгилмас куч" асариди "...айни

пайтда, биз бир ҳақиқатни ҳам

яхши англаймизки, фақат

ўтишга, аждодлар меросига

маҳлиё бўлиб юришининг ўзи

билан узоққа бориб бўлмайди", —

дея таъкидладилар ва Ватани-

миз мустақиллигининг дастлаб-

ки йиллариданок бутун мамла-

кат микёсида таълим ва тарбия-

ни тубдан ислоҳ қилиш вазифа-

сини қўйдилар.


«Шарқ тароналари» — етти иқлим наволари

Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали маданият ва санъатга берилаётган юксак эътиборнинг амалдаги йодаси бўлди. Мазкур фестивал дунё халқларининг миллий мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, тили, маданияти, қадриятлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бир-бирига яқинлаштириш, инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган. Шу боис бу фестивал қисқа вақтда халқаро миқёсдаги йирик санъат анжуманига айланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида ўтаётган бу галги фестивалга Самарқандда катта ҳозирлик қўрилди. Шарқ гавҳари, ер юзининг сайкали, деб эътироф этилган қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарда Президентимиз раҳнамолигида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди! Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Спитамен, Беруний, Панжакент кўчалари ва уларнинг атрофидаги бино, иншоотлар миллий ва замонавий архитектура талаблари асосида қайтадан бунёд этилди. Жумладан, йигирмага яқин кўп қаватли турар жой, олтинчи яқин ижтимоий соҳа объекти, йигирмадан ортқ маъмурий бино, юздан ортқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Йўллар кенгайтирилиши билан шаҳарда аҳолига

транспорт хизмати кўрсатиш сифати янада ошди.

Президентимиз раҳнамолигида Мирзо Улуғбек музейи қайтадан бунёд этилди. Буюк бобомизнинг янги ҳайкали ўрнатилди. Мажмуа ҳудуди ободонлаштирилди. Регистон мажмуаси атрофида эса 3,2 гектар майдонни эгаллаган хиёбон ташкил этилиб, ранго-ранг чироклар ёғдусида товланувчи фавворалар барпо этилди.



...Самарқанд осмонидagi минглаб юлдузлар акси заминга тушаётган тунги шаҳарнинг майин эпкинни дилни яйратиб, кишига ҳузур бахш этади. Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган муаззам майдондаги улкан амфитеатр тангана иштирокчилари — кенг жамоатчилик вакиллари билан тўлган. Улар орасида ҳорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, "Шарқ тароналари" саккизинчи мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, журналистлар ва сайёҳлар ҳам бор.

Мусиқа садолари остида муҳташам сахнага фестивал қатнашчилари — 56 мамлакат санъаткорлари кириб келар экан, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қўлаб, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, бетакрор руҳи, қиёфаси ва шарқона фалсафаси ҳақида тўхталди, фестивал иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Оснё ва Тинч океани минтақасидаги ваколатхонаси директори Гванг Жо Ким мазкур аънанавий халқаро фестивал ҳақидаги нуфузли мусиқа анжуманлари орасида алоҳида ўринга эга эканини, нафақат Шарқ, балки бутун дунёнинг санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига жалб этаётганини таъкидлади.

Фестивал қатнашчилари сони ортиб, янги номлар кашф этилаётди. Ер юзининг турли минтақаларида бой тарихий-миллий мусиқа ва қўшиқчилик аъналарини асраб-авайлаб, давом эттириб келаётган ижодий гуруҳ ва ансамбллар ўз дастурлари билан иштирок этмоқда.

...Халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган концерт дастури анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Фестивал қатнашчиларининг Регистон майдонидagi асосий сахнадан ташқари, шаҳардаги "Мўъжиза" амфитеатри, "Ешлик" ва "Сўғдиёна" истирохат боғларида, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида концерт дастурларини намойиш этишлари, санъат ихлосмандлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Фестивал доирасида "Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни" мавзuidaги халқаро конференция ўтказилади. Миллий либослар ва чолгу асбоблари кўргазмалари ташкил этилади.

Ўз муҳбиримиз

Қаердан бошланар Ватан?

Қушлар билар ўз диёрини,
Чумолилар-ошиёнини,
Балиқ излар ўз маконини,
Кўмсар, ўша азиз жойини.

Ватан дея излайман уни,
Кафга олиб ер тупрогини.
Қаердан бошланар ошиён?
Е онам алласидан буён?

Борлиғим шу — менинг Ватаним,
Ўқ қалдирғочдан бошланар?
Най товуши эсган йироқдан,
Чўлда қолган ботир Широқдан.

Бошланар у сопол идишдан,
Е мустаҳкам қалъа қуришдан.
Балки, "Авесто"ни билишдан,
Ўқ "оромий"ни ёзишдан.

Ватан, деганимда Тўмарис,
Ўрт қалдирғочдан бошланар?
Спитамен — жангларда ҳолис,
Сак, массагетни йиглатади.

Бошланар у оппоқ пахтадан,
Е мустаҳкам қалъа қуришдан?
Буюк Темур салтанатидан,
Балки жасур Кубро аҳдидан.

2

Ватан деганимда Мозийдан,
Келар акс-садо Шайбонийдан.
Парханаю Шош ва Хоразм,
Жайхун, Аракс — бариси азим.

Бошланар у Кушон еридан,
Ўқ Бактриянинг шўридан?
Е Беруний севинчларидан,
Мирзо Бобур соғинчларидан.

Ватан — Навоийнинг "Хамса"си,
Улуғбекнинг мунгли нафаси,
Қорлик, ўғуз, сўғд ва туркларнинг,
Битиклар ичра афсонаси.

Қаерлардан бошланар Ватан?
Алп тоғлардан бошланар, балки?
Е Бухорий қўлиётидан,
Ибн Сино тиббиётдан.

Ватан десам танбур овози,
Келар хони тўқнашган юртдан.
Осмон узра лайлак парвози,
Шоирлари дардлашган кундан.

Бошланар у Мустақилликдан,
Халқим дуо қилган тинчликдан.
Аждодларнинг хотир-ёдидан,
Ўртбошимнинг қасамёдидан.

Ватан деганимда вужудим,
Эгаллайди оққўнғил халқим.
Садокатли ёру дўстларим,
Ардоғида ўтган йилларим.

Эркинлик бу азиз неъматдир,
Эгаллайди оққўнғил халқим.
Бир тан бўлиб, асрасак уни,
Ватан дунёларга ибратдир.

Мухторжон ШОДМОНОВ,
адлия маслаҳатчиси



Истиқлол тенгдоши


Мухайё Мирзалиева 1991 йил 22 августда Тошлоқ тумани Бирлик кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида деҳқон оиласида таваллуд топган. Кишлоқдаги 15-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битирган Мухайё айна пайтда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг ёшлар ижтимоий хизматлар маркази компьютер саводхонлиги уч ойлик курсида билим даражасини оширмоқда.

— Мустақиллик, ҳурлик, истиқлол сўзларини эшитганмизда юрагимиз фахр-ифтихор туйғулари билан тўлади, — дейди истиқлол тенгдоши Мухайё Мирзалиева. — Агар юртда тинчлик ҳукмрон бўлса, барча орзу-хаваслар, албатта, рўёбини топади. Шу боисдан Ватани асрашимиз, эл-юрт қорига ярашимиз лозим. Озодлик, ҳуррият — ҳар биримизнинг қонимизда, жонимизда, томирларимизда бор. Уни ҳар доим эъзозлашимиз зарур.

Ўзбекистон ва истиқлол! Иккиси ҳам биз учун азиз. Мен шу юртда туғилдим. Бу менинг бахтим. Демак мен шу юрт учун, шу Ватан учун, унинг равнақи учун хизмат қилишим даркор. Замонамизда доимо тинчлик ҳукм суришини ҳар биримиз чин кўнгилдан истаимиз ва тилаймиз. Мен келажақда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалига кириб ўқшини мақсад қилиб қўйганман. Орзуимни амалга ошириш учун ҳозирданок тайёргарлик ишларини бошлаб юбордим. Ҳозирда икτισодиёт коллежиде лаборант вазифасида ишламоқдаман.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ,
ёзиб олди

Ватан туморида кўзмунчоқсан, Бухоро!



Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Кўхналик ва боқийликнинг уй-ғун тасвирлари "Минораи қалон", "Токи заргарон", "Арқ" қалъаси-ю Шахристон сингари мингга яқин меъморий обидалари осори атиқаларга муҳрланган Шарқ гавҳари Бухоро дунё нигоҳида. Баҳоуддин балоғардондек тасавуф тарикатининг даҳосига қамолот бешиги бўлган, юртни офатлардан асрашга қодир балоғардонлик мақомига эришган Ватан туморининг кўзмунчоқи, Бухоро!

Нурли истиқболнинг саодатманд манзилларини кўзлаб йўлга чиққан улуг қарвон ИСТИҚБОЛГА туташ йўлларнинг беҳатлар бўлсин. Буюклик касб этган қарвон сарбони Ўртбошимизга эргашган ҳар бир юртдошимиз ЭРК, МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИКдек буюк туйғулар мазмунини юрак-юрақдан ҳис этиб туради.

20 ЙИЛ! Тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган сана!

Ҳурлиқнинг қадрига етган кўнгилларнинг энг нозик узвида Ватан деб аталмиш абадиятга дахлдор муҳрини босган, аждодлар орзуси, авлодлар эртасини ўзида мужассам этган асрларга татигулик давр.

Таниш савдо, ёқимли сас дилнинг энг нозик узвида Ватанга муҳаббат туйғусини жунбушга келтирувчи ёрқин таассуротлар... Истиқлол туфайли қўхналик чизиларининг ранглари тиниқлашиб, ғаройиб манзара инкишоф этди.

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Ходимларнинг билими, касб-маҳорати ва маънавияти ошириш борасида бир бутун, изчил, узлуксиз ва ўзаро боғлиқ ўқув жараёни ташкил этилган. Бу жараёнинг асосий қўрилиши аввалдан режалаштирилган ва ҳар ҳафтанинг жума кунинда ўтказиладиган ўқув машғулоти ташкил этади. Машғулотлар икки қўрилишда: ҳамма учун тааллуқли ва шу боис барча ходимлар иштирокатида ҳамда прокурор назоратини муайян йўналишлари бўйича фаолият юритувчи ходимлар учун мўлжалланган машғулотлар қўрилишида ўтказилади.

Чунончи, барча ходимлар учун мўлжалланган ўқув машғулотлари мамлакатимизнинг ижтимоий, маънавий ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Бош прокурор буйруқлари, қўрсатма ва йўриқномаларнинг моҳиятини ўрганишга қаратилган.

Бу машғулотларга уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари билан бир қаторда, амалиётчилар ва мутахассислар, кўзга кўринган олимлар, фан, санъат ва маданият арбоблари тақлиф этилмоқда. Ҳар ой қаида икки маротаба ўтказиладиган бундай ўқувлардан ташқари ойнинг бошқа жума кунлари (икки-уч маротаба) муайян мутахассисликлар бўйича хизмат қилаётган ходимлар учун мўлжалланган ўқув семинарлари ўтказилиши ҳам йўлга қўйилган. Бу машғулотлар асосан шаҳар прокуратураси маҳкамасида хизмат қилаётган қатта амалий тажриба ва билимга эга бўлган ходимлар томонидан олиб борилади.

Бу тоифадаги машғулотлар, қандай таркибда, Тошкент шаҳар прокуратурасининг ўқув марказида ўтказилади. Ходимлар билан ўтказиладиган ўқув машғулотларини қўшимча кўргасиз ва амалий қўлланмалар билан таъминлаш, ўқув жа-

Юксак билим ва маънавият соҳибини тайёрлаш — асосий вазифамиз

раёнида техника жиҳозлари ва компьютер-алоқа воситалари имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланиш ушбу Марказ ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Ўтказиладиган машғулотларда бирон-бир соҳага оид маърузалар билангина чегараланиб қолинмай, амалий машғулотлар, тренинглари, тест синовлари, муайян ҳуқуқий вазиятларни (ка-зусларни) муҳокама қилиш, дав-ра суҳбатлари, тажриба алма-шиш ва бошқа шу каби ўқув-тарбиянинг хилма-хил услуби ва қўрилишларидан фойдаланил-моқда. Алоҳида долзарб маса-лалар юзасидан илмий ва ама-лий конференция ҳамда семи-нарлар ташкил этилмоқда.

Марказнинг яна бир вазифа-си — прокурор назоратининг муайян соҳалари бўйича мав-жуд амалиётни жамлаш, улар юзасидан умумлашмалар ва амалий қўлланмаларни ўзида мўжассам этган бюллетень ва тавсиялар ишлаб чиқиш иш-лари раҳбарлик қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш би-лан боғлиқ фаолиятдир. Бу ва-зифаларни мувофиқлаштирил-ган ҳолда амалга ошириш ва ўқув жараёнига тайёргарлик ишларида амалий ва услубий ёрдам, қўрсатма ва маслаҳат-лар бериш мақсадида ўқув маркази қошида шаҳар про-куратурасининг бой иш тажриба-сига ва юқори билимга эга, 5 нафар аъзодан иборат бўлган жамоатчилик Кенгаши фаоли-ят юритмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, муайян соҳага тааллуқли бюл-летень ва тавсияларни тайёр-лаш ва уларни чоп этиш фаоли-ятига тажрибали ходимлар би-

лан бирга қатор истеъдодли ёш ходимларнинг ҳам жалб этили-ши, уларнинг ўз билим ва касб маҳоратларини ошириш бора-сида қўшимча дастак ролини ўйнамоқда. Ўтган 2009-2010 йиллар ва жорий йилнинг би-ринчи ярми мобайнида Тош-кент шаҳар прокуратурасининг ходимлари томонидан шу та-риқа тайёрланган ўндан ортқ бюллетень ва тавсиялар Ўзе-бистон Республикаси Бош про-куратураси томонидан маъқу-ланиб, тавсия сифатида жой-ларга амалий иш фаолиятида фойдаланиш учун юборилган.

Шунингдек, шаҳар проку-ратурасида хизмат қилаётган юқори билим, малака ва таж-рибага эга бўлган ходимлар то-монидан кейинги 1,5 йил мо-байнида фундаментал, амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган 3 та китоб нашр этилди.

Ходимларнинг касб маҳора-ти ва билим даражасини оши-ришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар орасида улар-га шахсий топшириқлар бериш амалиёти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шаҳар прокурату-раси томонидан ҳар ярим йилда хо-димларнинг касб маҳорати ва билим даражасини оширишга мўлжалланган режалар тасдиқ-ланиб, уларнинг бажарилиши алоҳида назоратга олинган. Би-лим даражасини оширишнинг ушбу қўрилиши билан нафақат захирага олинган ходимлар, балки бошқа ходимлар ҳам қам-раб олинган. Бу ҳолда уларга бе-риладиган алоҳида топшириқ-ларнинг мавзуси ва уларнинг ижро этиш мuddатлари бў-лимлари ва туман прокуратура-ларининг ярим йиллик даврий ўқув режалари асосида белги-ланади.

Маълумки, прокуратура органларининг шу қундаги фа-олиятидаги ўта долзарб йўна-лишларидан бири бу Прези-дентимизнинг шу йил 17 ию-лда қабул қилинган "Давлат органлари фаолиятида қону-нийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш билан бо-ғлиқдир. Шу мақсадда "Тошкент шаҳар прокуратураси органла-ри томонидан қўлланалаётган прокурор назорати ҳужжатла-рининг сифати ва самарадор-лигини ошириш бўйича ком-плекс чора-тадбирлар" Дастури ишлаб чиқилди ва жойларга ижро учун юборилди. Ушбу да-стур прокурор назорати ҳў-жатлари мазмун-моҳиятидан тортиб уларни тузиш тартиб-қоидаларига ҳам бўлган услубий ва амалий тавсияларни ўз ичи-га қамраб олган. Ходимларнинг бу соҳадаги билим даража-сини ўрганиш мақсадида улардан бу йўналишда тест-синовлари ҳам олина бошланди. Умуман, ходимларнинг билим даража-сини ва касб маҳоратини оши-риш фаолиятида уларни маъ-лул соҳалар бўйича тест-сино-влардан ўтказиш амалиёти кен-г йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, шу қунлар-да тадбиркорлар ва уй-жой мул-корлари ширкатлари эгалари учун уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида жамла-ган буклетлар тўплами ҳам иш-

лаб чиқилиб, уларни ўз манзил-ларига етказиш чоралари қўрилмоқда.

Кадрларни тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва би-лим даражасини ошириш би-лан боғлиқ ишларнинг амалга оширилишида Тошкент шаҳар прокуратураси аттестация ко-миссиясининг тутган ўрни ва ролини ҳам алоҳида эътироф этмай бўлмайди. Аттестация комиссияси томонидан шаҳар прокуратурасининг бўлим ва тармоқ раҳбарлари ҳамда ту-ман прокурорларининг қўл о-стидаги ходимларнинг касб ма-ҳоратини оширишга бўлган масъулиятни қучайтириш мақ-садида, уларнинг бу ҳақдаги ҳисоботларини доимий равиш-да эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Тошкент шаҳар прокуратураси органларида кадрларни ўқи-тиш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар замирида, авваламбор, мустақиллик ҳис-туйғуларини тўла идрок эта оладиган, маъ-навий бой ва ахлоқий пок, иш-чан, ўз халқи ва Ватанига са-доқатли, фидоий ва жонқур ин-сонларни тарбиялаш вазифа-лари ётибди. Бизнинг асосий мақсадимиз эса шундай инсон-ларнинг илмий ижодиёт ва би-лимга бўлган интилиш ва ҳис-сиётларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали улар-ни ўз касбининг устаси бўлиб етишларида амалий ёрдам бе-ришдан иборатдир.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги қошидаги Х.Сулaimоно-ва номида Республика суд экс-пертиза марказида экспертиза амалиётининг замонавий даражасини таъминлаш мақса-дида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Бунга 2000 йили Урта Осиё минтақасида би-ринчи бўлиб молекуляр генетика фанининг сунги ютуқларига асосланган суд экс-пертизининг янги тури — "Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси" лабораториясининг ташкил этилиши мисол бўлади. 1997 йил Францияда ўтказилган криминалистларнинг халқаро анжуманида иштирок этган марказ раҳбарияти молекуляр генетика фанининг охириги ютуқларига асосланган суд экс-пертизининг янги тури — ДНК экспертизаси тўғрисида маълумотлар олиштич, ДНК экс-пертизаси лабораториясини ташкил этиш тўғрисида Республика раҳбариятига тақлиф қилдирилди. Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 декабр-даги 25/45-98-сонли топшириғи билан Мар-казга одам молекуляр генетик идентифика-цияси бўйича суд эксперт тадқиқотлар ўтқа-зишни йўлга қўйиш масаласи қўйилди. За-рур моддий-техника билан таъминлаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширил-ган тадбирлар натижада, 2000 йилдан бош-лаб марказда Урта Осиё минтақасида бири-нчи бўлиб одам ДНКсининг суд-биологик экс-пертиза тадқиқотлари ўтказилиши бош-ланди. Одам ДНКси суд-биологик экс-пер-

тизаси тадқиқотлари дастлаб марказнинг "Материаллар, ашёлар, буюмлар кримина-листик экспертизаси" лабораторияси тарки-бида сектор сифатида, 2001 йилнинг январ-идан бошлаб алоҳида лаборатория сифати-да фаолият бошлади.

Умуман одам ДНКси суд-биологик экс-пертизаси ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлса керак.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси предмети замонавий молекуляр генетик ус-лубларни қўллаб, одамнинг биологик об-ъектларини тадқиқот қилиш йўли билан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни аниқлашдир.

ДНК тушунчаси эса, дезоксирибонукле-от кислотаси деб аталадиган мукамал биологик тузилмашта эга органик қимёвий модданинг қисқартirilган номи бўлиб, шу дезоксириб-онуклеин кислотасининг тузилмашта ҳар бир организмнинг генетик қолми мўжассам бўлади. Бу генлар мажмуаси организмнинг ота ва она-сидан олган ирсий ахборотларни ўзида сақлай-ди. Бундай генлар мажмуаси маълум бир ор-ганизмнинг генотипи деб аталади. Ҳар бир ор-ганизмнинг генотипи ўзига хос ноб ва тақрор-ланмас бўлиб, бир тукумдан ривожланган эги-заклар бундан мустасно. Бир хил генетик қол-га эга одам ҳоирги пайтда лабораторияда текши-рилетган ДНК молекуласининг қисқа танде-ми тақрорланувчи 16 STR локуслари, яъни

қисмлари бўйича 60 млрд. одамдан кейин ту-ғилиши мумкин. Энг қизиқарлиси эса, ДНК мо-лекуласи ҳужайранинг ядросида жойлашгани-гини ҳисобга олганда, маълум бир одамнинг генетик қолди унинг тукумларидаги ҳамма ҳужайраларида бир хил бўлади. Демак, ўз тар-кибида ДНК молекуласини сақлайдиган ҳар қандай одамнинг биологик материаллари, жу-младан, қон, сўлак, соч, тукума, органлар, тана қолдиқлари, оғиз бўшлиғидан олинган сурт-ма, қон ва тана ажратмаларининг қуриб қол-ган излари, амниотик суюқлик, хорюн туку-маси, тишлар, аборт қилинган материал, су-яклар ва суяк фрагментлари, юмшак тукума-лар одам ДНКси суд биологик экспертизаси об-ъектлари ҳисобланади.

"Одам ДНКси суд-биологик экс-перти-заси" лабораторияси номаълум тана қолдиқ-ларини идентификация қилиш, қон, спер-ма, сўлак, соч, тукумалар, органлар, тана бўлакларини ва бошқаларни маълум бир шахсга ёки бир неча шахсга тегишлилигини, бола-нини биологик ота-онасини, ота ёки она ли-ниясини бўйича яқин ёки узоқ қариндошлик-ни, биологик эгизакларни, биологик изла-рининг жинсга мансублигини, одам ДНКси-нинг генотипини аниқлаш ва шу генотипни "ДНК маълумотлар базасида" сақлаб, жино-ятларни тергов қилишда ва бошқаларда шу генотиплардан кейинги идентификация қилиш мақсадида фойдаланиш каби маса-лаларни ҳал қилади.

2000-2010 йиллари лабораторияда "Одам

А. НАЗАРОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари

сочларининг бирламчи тадқиқоти ва ДНК суд-биологик экспертизаси учун яроқлили-гини аниқлаш", "Суяк қолдиқларидан ДНКни ажратиш, тозалаш ва генотипини аниқлаш", "Мушак, суяк ва тиш тукумаларининг ДНКси структураларига табиий парчаланиш, юқори ҳарорат ва намлиқнинг таъсирини ўрганиш", "Террористик актлар билан боғлиқ бўлган му-раккаб ҳолатларда одам суяги қолдиқларидан шахсини аниқлаш (идентификация) ге-нетик услубини ишлаб чиқиш ва суд эксперт фаолиятига татбиқ этиш", "Ўзбекистон халқ-ининг генетик тарихи ва этногенетикаси. Криминалистик табиқ" мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва методик йўриқ-номалар тайёрланди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида лаборатория экспертизаси томонидан 2000 га яқин экспертиза тадқиқотлари замона-вий илмий услублар ва асбоб-ускуналар ёрдамида бажарилиб, олинган натижалар асосида қатъий ҳулосалар берилди. Ўтказил-ган тадқиқотлар натижаида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тайинланган экспертизалар бўйича қўллаб оғир жиноятлар очилди ва жиноятта алоқаси йўқ шахслар жавобгар-ликдан озод қилинди.

/Давоми 11-бетда/

Қатағон йиллари... Хужжатлар гувоҳлик беради



Сарғайган қозғозлар... Латин, кирилл, араб алифбосидаги ўзбекча, русча, арабча, форсча сўзлар... Уларда ўша машъум йиллар излари, оху-фарёллари қотиб қолганек.

"Ўлим жазоси — отиб ўлдиришга ҳукм қилинсин..." Қатағон лаврларида энг кўп учраган аёвсиз сўзлар. Инсон тақдирини сариқ чақага ҳам арзимай қолган, рўйхат бўйича гуруҳ-гуруҳ қилиб отиб ташлашлар авж олган қатағон йиллари...

Бугунги авлод тасаввурига сизмас даҳшатли воқеалар, ҳужжатлар, бир-бирига айқоқчилик қилиб эшитган гапини НКВДга етказишга шошилган миллатфурӯш ва ватанфурӯшлардан махсус қабул қилинган хабарномалар, аризалар, агентура маълумотлари, меморандумлар...

Бир-бирига ишонч, меҳроқибат йўқолган йиллар...

"Фалончига фалон нарса дебсан, совет давлатига ишончсизлик билдирибсан, партия — совет ҳодимларини адолатсизликда айбала, ҳақорат қилибсан" ва ҳоказо ва ҳоказо дебсан, дебсанлар...

Бу йиллар бугунги кунда "катта террор" деб аталади ва 1937-1939 йиллар тушунилади.

Қандайдир совуқ, бир-бирига ўқшаб даҳшатли сўзлар ёзилган, моғор босган, нам тортиган архив ишларини варақларига ёзилган расмий "ҳужжатлар".

Махсус архивнинг шифтигача борган қаватма-қават тахта қаторларидан ҳужжатлар тўла папкалар устидаги қалин чангаларини қоқиб менга бир-бири узатар экан, майор унво-нидаги аёл, "бу жойда шундай ҳужжатлар борлигини ўзим ҳам билмас эканман", дейди ва ўзини гўё оқламакчидак "шунча йилдан бери ишлайман, ҳали биронта инсон бу ҳужжатларни сўраган эмас, улар сизга нима керак ўзи?", деб сўрайди.

Ҳа, бу ҳужжатларни кўп йиллардан бери бирон киши очиб ҳам кўрмагани, ўрганмагани шундоқ ҳам билиниб турибди.

Уларда чопонга ўралган соҳа-соқоли ўсган юртдошларимизнинг олд ва ён томонларидан махсус қондалар асосида олинган фотосуратлари, саводсизлиги учун бармогини рангга босиб қўйган "имзолари", аризалари, отиш учун олдиди қизиқ кетишгаётганда НКВД ҳодимларига айнаш шу одам берилаётгани ўрнига бошқа одам кетмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳоказо ва ҳоказо қозғозлар тикиб ташланган. Айрим ҳужжатлар рус тилида ёзилган ва уларда таржимоннинг исм-фамилияси келтирилган. Улар бу ҳужжатлар нима учун тузилаётгани ва уларни нариги дунёга аёвсиз жўнатиш учун тайёрланаётганини тушу-намикин? Ёки таржимоннинг гапига ишониб меҳнатдан қадқ бўлган қўллари бармоқларини шунчаки босиб беришганикин? Афсуски, бу саволларга жавоб топишнинг имкони йўқ

ва ҳеч қачон тополмасак ҳам керак.

Келинг, улардан айримларини ўрганайлик, бугун улар ўрганишга, тушунишга, мушоҳада қилишга бизни ундайди, энди улар ҳақида бугун баралла айтишимиз мумкин.

Ўразов Қиличбек — 1875 йилда Дехқонобод райони Шўргузар кишлоқ советига қарашли Канудар (географик жойлар қандай ёзилган бўлса шундайлигича берилмоқда. Табиийки, бугунги кунда бу жойлар номи ўзгарган ёки ҳужжатлар рус тилида ёзилгани учун нотўғри талқин қилинган бўлиши мумкин. Таъкид муаллифники) қишлоғида туғилган, ўзбек, саводсиз, охири марта "Янги турмуш" колхозининг от фермасида ишлаган. Анкета маълумотларида Хуррамова Айгул исмли хотини борлиги ҳам кўрсатилган.

Дехқонобод район НКВД бошлиғи давлат хавфсизлиги сержант Федорцовнинг 1938 йил 10 августдаги Ўразовни ЎзССР Жиноят кодексининг 57-моддаси 1-қисми ва 62-моддаси билан жавобгарликка тортиш ва қамолга олиб, Қарши турмасида сақлаш тўғрисидаги қарори билан танишамиз.

Қарор бор-йўғи ярим варақ. Унда, Ўразов Қиличбек илгари қўрбоши бўлиб, қўл остидаги 300 тагача босмачи билан 1924 йилда босмачилик қилгани учун 10 йилга қамалганлиги кўрсатилган. Шунингдек, қарорда Ўразовнинг 1928 йилда Афғонистонга қочиб кетиб, 1931 йилда яна қайтиб келганлиги ҳам кўрсатилган. Аммо у яна қайтадан нима учун қамолга олинаётгани ҳақида ҳеч гап йўқ.

Шу қарорнинг ораксига турма ҳодимларидан кимдир рус тилида, Бухоро вилоят НКВД бошқармаси ва прокурорининг мўҳри бўлмаганлиги учун қабул қила олмайди, деб қўлда ёзиб, имзо қилиб, "5/VI.11.38" сана-сини қўйган. Ҳақиқатан ҳам юқоридаги қарорда муҳрлар бўлса-да, улар аниқ тушмаган. Имзо қўйган прокурорнинг на исм-фамилияси, на вазифаси ёзилган, унинг ўрнида ноаниқ ёзилган сўз ва имзо мавжуд. Айлана муҳрда "ҳужалик мақсадларида" деган сўзни англаш мумкин, холос. Демак муҳр топилмай қолган бўлса керакки, ҳужалик мақсадларида ишлатиш учун мўлжалланган муҳр босиб юборилган. Бундай палла-партиш ҳужжат билан маҳбусни турмага қабул қилишдан қўриқшан, шекилли, турма ҳодимлари юқоридагидек қилиб ҳужжатни ҳам маҳбусни ҳам қайтартирган.

Аммо шу куни кичкина

"справка" деб ёзилган қозғозча устига кимдир рус тилида "турма, қабул қилинсин, маҳбус Ўзаковдан алоҳида сақлансин" деб виза қўйиб имзо қилган ва 5 август санасини ёзган. Шундан сўнг маҳбус Ўразов Қиличбекни 6 августдан турмага қабул қилишга мажбур бўлишган. Ўразов Қиличбек 10 июлдан то турмага қабул қилингунча, Дехқонобод НКВДсида сақланган бўлса керак. Демак, унинг Ўзаков деган шериги ҳам бўлган ва улар бир-бирларини кўрмасликлари учун алоҳида сақлансин, деб оғохлантурувчи сўз пайдо бўлган.

Шундан сўнг ЎзР НКВД қошидаги "Учлик" йиғилишининг 1938 йил 27 сентябрдаги 30-сонли протоколидан кўчирма тикилган. Ярим варақдан ҳам оз бу ҳужжатда, Дехқонобод НКВДнинг 20245-сонли тергов иши бўйича, Ўразов 1921 йилдан 1925 йилгача босмачилар бошлиғи бўлганлиги, совет давлатига қарши қуролли кураш олиб боргани, партия ва совет ҳодимларига нисбатан террористик ақтлар ташкиллаштиргани учун 10 йил озодликдан маҳрум қилинсин, дейилган.

Бу ҳужжатдан бирон нарсани тушуниш қийин. Агарда Ўразов 1924 йилда ҳам 10 йилга қамалган бўлса, унда 1925 йилда ҳам қандай қилиб советларга қарши курашган, бундан ташқари, 1928 йилда қандай қилиб Афғонистонга ўтиб кетиб, яна қайтиб келганини мутлақо тушуниб бўлмайди.

Ҳужжатларга қараганда, Ўразов Қиличбекнинг соғлиғи ёмонлашган ва у Бухоро турмасига махсус касалхонага стационар тартибда даво-ланиш учун жўнатишган. Ўша жойда 67 ёшида 1939 йил 21 январда вафот этган. Унинг ўлими сабаби "Энтероколит, бронхит и старческая дряхлость" деб кўрсатилган. Маҳбус Бухоро шахридаги умумий қабристонга 3349-рақам билан 1939 йил 22 январь куни қўмилганлиги тўғрисида акт тузилиб, унга турма ҳодимларидан Лопатин, Акчури ва М.Ражабовлар имзо қўйилган. Маълумки, ҳар бир шахар қабристонидан турмада вафот этганларни қўмиш учун маҳбус жойлар ажратилган ва ҳар бир қабр устига рақами ёзиб қўйилган.

Худди шундай яна бир маҳбуснинг 3102/22-сонли шахсий иши.

Бердиев Мухаммади — 1882 йилда Шахрисабз район Қизил Ўзбекистон қишлоқ совети Синабоғ қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, партия-сиз, саводсиз, Будённий колхозчи аъзоси.

Уни қамолга олиш ҳақидаги Шахрисабз район НКВД катта оператив вакили, давлат хавфсизлиги сержант Матеро-вининг 1941 йил 27 октябрдаги қарори билан танишамиз.

Унда Бердиев собиқ қулоқ эканлиги, Тангри Дадох босмачилар бандасида қатнашганлиги учун 1929 йилда 7 йилга қамалгани, жазони ўтаганлиги, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 11-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги кўрсатилган. Савол туғилди. Хўш, Бердиев

босмачилар тўдасида қатнашганлиги учун қамалган ва жазони ўтаб келган бўлса, нима учун яна қамолга олинапти? Афсуски, бу саволга жавоб йўқ.

Бухоро вилоят судининг 1942 йил 3 июлдаги ҳукми билан Бердиев Мухаммади совет ҳукуматида қарши контрреволюцион бўҳтон-иғво сўзлар тарқатганлиги учун 10 йил озод-ликдан маҳрум қилинган ва бундан ташқари, 5 йил сайлаш-сайла-ниш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган. Бердиев билан бир-галикда у билан бир қишлоқда яшаган 1884 йилда туғилган Муратов Тошпўлат ҳам қамолга олиниб, судланган ва унга ҳам худди шундай айблов билан жазо берилган.

Бу орада маҳбус Бердиев Мухаммадининг соғлиғи ёмонлашган бўлса керак, у Тошкент шахри Яланғоч қишлоғидаги НКВДнинг инвалидлар колониясига жўнатишган ва у жой-га 1942 йил 5 ноябрда қамал-гил қилинган. Шундан сўнг ўша жойда 11 ноябрь куни вафот этган. Касаллик тарихида, ҳад-дан ташқари озиб кетганлиги, тана ҳарорати 38,8 эканлиги, алаҳсираб ўрнидан туриб кети-тиб, палата ичида юриши, лаб-лари кўкарганлиги, кўз қорачи-қилари кенгайганлиги ва ҳоказолар қайд қилинган ва асосий ташхис "порок сердца" деб қўйилган. Унинг жасади судмедэкспертизадан ўтказил-ганлиги тўғрисида хулоса, қаерга дафн қилингани ҳақида ҳам маълумот йўқ.

Афсуски, бундай тоифадаги ишлар ҳақидаги мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин.

Ўразов Қиличбек ва Бердиев Мухаммадилар саводсиз бўлсалар-да, аммо улар ота-юрти ва туپроғига бостириб келган қизилларга қаршилик қўрсатганлар. Уларнинг номи-дан "босмачи" деган тавқи лаъ-натни олиб ташлаш вақти ет-мадимикин? Албатта, уларнинг жиноят иши Республика Олий судида кўриб чиқилганми, йўқми, бизга қоронғу. Биз улар-нинг фақат шахсий ишини ўргандик холос, бунинг учун уларнинг жиноят ишини топиш, ўрганиш ва бир хулосага келиш лозим бўлади.

Нима бўлганда ҳам улар эмас, балки уларнинг тинчгина яшаётган эл-у юртига қўлида қурул билан кириб келиб, ўзла-рининг тутуриқсиз, нотабиий, ноинсоний тартиб-интизоми ва тузумини ҳаммани қон-қақша-тиб ўрнатмоқчи бўлганларни, бу халқнинг маданияти ва тарихи-ни оёқости қилиб, таҳрирлаган-ларни босмачи деса тўғрироқ бўлади. Негадир коммунистлар қўлида қурул билан ўзлари эски тузум вакиллари деб ҳисоблаганларни бемалол отиб ташлаши мумкин-у, лекин уларнинг бу репрессив хара-катларига қарши қурул билан чиқ-қанлар уларни отиши мумкин эмас? Қизиқ ман-тиқ, қизиқ сиёсат! Аниқроғи, адолат-сиз тузумнинг адо-латсиз сиёсати ва тартиб-қондалари! Юқоридагидек "катта террор"нинг

Сафар КАТТАБОЕВ,
Қарши туман прокурори
ёрдамчиси

бошланишига СССР Ички иш-лар комиссари "темир нарком" номини олган Николай Ежов-нинг 1937 йил 30 июлдаги "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши ун-сурларни қатағон қилиш опе-рацияси тўғрисида"ги 00447-сонли мутлақо махфий опера-тив буйруғи асос бўлганлиги эндиликда ҳаммага маълум.

Ўзбекистонда бу операция 1937 йил 10 август куни бош-ланган ва 1937-1939 йилларда жами 41 мингдан ошқ киши-лар қамалган, улардан 6920 на-фари отиб ташланган. Қаранг, минглаб одамларнинг отиб та-шланишига Ички ишлар комисса-рининг биргина махфий буй-руғи туртки бўлган, холос.

Ўша йиллардаги ишлар би-лан танишар экансиз, жазо ма-шинасининг асосий нишони ислом дини вакиллари бўлган-лигини кўриш мумкин.

Қарши шахар НКВДсининг оператив вакили, давлат хавфсиз-лиги сержант Калимуллиннинг (Негадир биронта ҳам қарор ва тергов ҳужжатларида НКВД хо-димларининг исми ва отаси-нинг исмлари ёки уларнинг бош ҳарфлари келтирилмаган. Келажакда бундай муҳиш жи-ноятларнинг фош бўлишини қийинлаштириш учун шундай қилинганмикин?) 1941 йил 4 октябрдаги қарори билан 1884 йилда туғилган, миллати ўзбек, собиқ қулоқ, Якубов Ва-лихон (уни Мадад ҳам дейиш-ган) қамолга олинган. Қарор-да Якубов катта эшон эканли-ги, диний амаллар билан шу-ғуллангани, араб тилида савод-ли эканлиги, илгари судлан-маганлиги, Қамаш туманида туғилганлиги, охири пайтда Қарши тумани Беглар қишло-ғида яшаб келганлиги, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисми-да кўрсатилган жиноятни со-дир қилганлиги исботланган-лиги кўрсатилган.

Бухоро област судининг жи-ноят ишлари бўйича судлов коллегияси сайёр сессияси Хасанов раислигида 9-10 июль кунлари суд жараёни ўтказил-ган ва 1942 йил 10 июлдаги ҳукми билан (ҳукмининг шу қис-мини айна кўчирамиз. Чунки хозирги кундаги ҳуқуқшунос-лар учун бундай айлов тушу-нарсиз бўлиши табиий) "Суд-ланувчи Якубов Валихон /Ма-дад/ни Ўз.ЖКнинг 66-11-5-ст-га биноан Ўз.ЖКнинг 58-ст-нинг санцияси билан социал мудаффоа чораси энг олий жазо — отиб ўлдиришга:" ҳукм қилинган.

[Давоми 10-бетда]



Қатағон йиллари... Ҳужжатлар гувоҳлик беради

[Давом. Бошланиши 9-бетда/]

Судланувчилар жами 3 киши бўлган, улардан бири Якубов Валихоннинг укаси Якубов Махмуд — 1899 йилда туғилган, Саибов Хусан — 1898 йилда туғилган, уларнинг ҳар бири 7 йилдан озодликдан маҳрум қилинган.

Якубов Махмуднинг туғилган жойи Қамашай райони Чим қишлоқ совети Кахат қишлоғи, у ва Саибов Хусанлар охири марта Қарши райони Кат қишлоқ советига қарашли Тахтапул қишлоғида яшаб келганликлари ҳукмда қўрсатилган.

Уларнинг ҳаммасига бир хил, яъни қолхоз тузumi ва совет ҳукуматида қарши ақиллиқчилик сўзлар тарқатиб, собиқ халқ душманларини мактаб юрганлик айблари қўйилган.

Нима учун илгари судланмаган, бор-йўғи амалдаги тузум тўғрисида ўз фикрини билдирган киши энг олий жазага ҳукм қилинган, ҳозирги авлод учун мутлақо тушунарсиз бўлиши табиий. Аммо ўша йиллар учун бу оддий воқеа бўлган, ҳолос. Катта авлод вакиллари шунчалик қўрқиб қолишган ва бу қўрқув уларнинг бутун вужуди, онига синиб кетгани, ҳозирги кунларда ҳам, улардан "қўй-е, сиёсатга аралашма" деган сўзларни эшитиш мумкин. Мана бу қўрқувга, бу сўзларга қачон асос солинган ва қачон, қаердан бошланган? Бу ўша маъшуум ўтган асрнинг 20-40-йилларида бориб тақалади.

Асрлар бўйи одамлар ишониб, ҳурмат қилиб келаятган, қишлоқнинг энг обрўли одамлари бўлган ашон ва мулалар, фалон йили, фалон жойда, фалон нарса деган экансан, деб ўлим жазосига ҳукм қилинганлар.


Бор-йўғи 22 донга ҳар хил катта-кичик варақлардан иборат кичик бу 2630/1-сонли шахсий ишдаги Зотов деган навбатчининг турма бошлиғи Захарченкога ёзган рапортига қараганда, олий жазага ҳукм қилинган махбус Якубов Валихон 1943 йил 15 март кuni эр-талаб соат 7 да вафот этган. Шундан сўнг Гребенникова деган врачнинг "умер от паралича сердечных мышц" деган справкаси ишга тикиб қўйилган ва бу энг охири ҳужжат.

Келинг, шу тоифадаги ишларнинг яна бири билан танишайлик-да, кейин ҳулоса чиқарайлик.

Бухоро област НКВДси қатта опервакили, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Ахмедовнинг 1942 йил 25 июндаги қарори билан 1870 йилда Деҳқонобод туман Обихон қишлоғида туғилган, миллати тожик, саводсиз, партиясиз, кейинги пайтда Қарши тумани Худойзоат қишлоқ советига қарашли Зогза қишлоғида яшаб келган Рахимов Мулла Абрай қамоққа олинган.

Қарорда Рахимов имом бўлганлиги, босмачилар ҳаракатининг фаол қатнашчиси эканлиги, ҲЗСР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисмида қўрсатилган жиноятни содир қилганлиги қўрсатилган.

Айрим ҳужжатларда унинг ёши 88 да бўлиб, инвалид



эканлиги ҳам қўрсатилган. Махбуснинг имзоси деган жойга эса имзо қўя олмади, деб ёзиб қўйилган. Лекин унг бош бармоғи изи туширилган. Тинтув пайтида ёнидан 87 рубль чиққанлиги қўрсатилган. Анкета маълумотларида хотини Дуланова Жангил 73 ёшда эканлиги, укаси Рахимов Бекбой 63 ёшда эканлиги, ўғли Абраев Карим 25 ёшда бўлиб, армияда эканлиги ҳам қайд қилинган.

Турма бошлиғи Захарченко, врачлар Ибрагимов ва Ушаповскийлар 1942 йил ноябрь ойида махбус Рахимов Абрайда қатор касалликлар борлигини қўрсатиб, бу касалликлар 1-гурӯх ногиронлигига тўғри келиши қўрсатилган.

Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси аъзоси Хужаева Маржабо раислигида ўтган суд ўзининг 1943 йил 5 январдаги ҳукми билан Рахимов Мулла Абрай ва у билан бирга судланаётган 1892 йилда туғилган Чунаков Саидларни ҲЗСР ЖКнинг 66-моддаси 11-қисми билан айбдор деб топиб, уларнинг ҳар иккаласини ҳам отишга, мол-мулкларини эса бутунлай давлат фойдасига мусодара қилишга ҳукм қилган.

Ҳукмда Рахимов Мулла Абрай илгари судланмаган, терговда бўлмаган деб қўрсатилган-да, совет давлатига қарши ўқ отиб келган босмачи ва синфий ёт кишилардан бўлиб, доимий равишда қолхозчи меҳнаткашлар ўртасида совет давлатига қарши ақиллиқчилик сўзлар айтиб келган, унда ўзбек халқини совет давлатидан норози қилиш мақсоди бўлган, деган айблов қўйилган.

Ўша давр тергов ва суд ҳужжатларида учрайдиган бир хилдаги сўзлар, бир хил қолидаги айбловлар, бир хилдаги шафқатсиз ва мутлақо ўринсиз жазолар...

Ҳукмда улар бу сўзларни 1941 йил 5 декабрь кuni Бошқарбоқ қишлоқ совети олдида гапирганлиги қўрсатилган. Судланувчилар бундай сўзларни айтмаганликларини билдирган бўлсалар-да, аммо суд уларнинг айби гувоҳларнинг қўргазмалари билан тасдиқланган деб топан ва энг олий жазага ҳукм қилган.

Аммо махбус жазони ижро қилишгача етмаган. Кекса ёшда бўлган, ўз халқининг диний амалларини баҳоли қудрат бажариб, уларнинг хизматида бўлган бу инсон 1943 йил 26 май кuni соат 13:00да, 5-сонли тергов хибсхонасининг ўлимга ҳукм қилинганлар сақланадиган 19-камарасида тўсатдан вафот этган. Бу ҳақдаги актда ўлимга юракнинг тўсатдан тўхташи, деган ташхис қўйилган.

Ҳукмда Рахимов Мулла Абрайнинг диний билими борлиги, диний оиладан эканлиги ҳам қўрсатилган. Ахир, ҳар бир халқнинг ҳам асрлар давомида амал қилиб келаятган ўз дини, ўз Муқаддас китоби бор. Ахир,

қандай қилиб асрлар бўйи одамларни биродарликка, тинчлик ва хотиржамликка, илм олишга, ёмон йўللарга кирмаслик, ёлгон гапирмаслик, ҳалол меҳнат қилишга чорлаб келаятган илм ва маърифат бўлган бўлган ислом динини бирданига қўшиб ташлаш, бўғиш, йўқотиш мумкин?! Қандай қилиб, 70-80 ёшли кишининг онгини бирданига ўзгартиш, шу кунгача амал қилиб келган урф-одатларидан бирданига воз кечтириш мумкин. Бу асло мумкин эмас, инсон табиятига зид. Аммо оддий мантиққа ҳам тўғри келмайдиган бу фикр билан коммунистлар ҳисоблашиб ўтирмаган.

Лекин совет давлати бунга фақат қўпол куч ишлатиш, ҳеч қандай умуминсоний қонун-қоидалар билан ҳисоблашмаслик, раҳм-шафқатсиз қамаш, отиш, ўлдириш билан эришмиз, деб қаттиқ ишонган. Аммо, куч ва қўрқитиш, турма ва лагерлар билан ҳам бунинг улдасидан чиқа олмайдиган. Бу тузум бор-йўғи 70 йилдан ошмироқ яшадиган, ҳолос ва бу давлат худди қорғоздан қилинган уйдек ўз-ўзидан қўлаб тушди.

Чунки бу тузум нафақат унинг душманлари, балки шу тузумда яшаган, шу тузумга содиқ хизмат қилиб келганларнинг ҳам жонига теккан эди. Чунки бу тузумга ҳос бўлган адолатсизлик энди ўзининг энг ишончли кадрларини, ҳатто энг кўзга қўринган, шу тузум учун жонини ҳам аямаган ва шу тузумни урнатилиш учун қўлда қурол билан жангга киришган машҳур ҳарбий саркардалар, партия ва совет ташкилотлари раҳбарларини ҳам "халқ душмани, чет эл жосуси" деб ямлаб, ўз домига торта бошлади. Чунки совет тузуми ўз тузуми душманларини еб бўлиб, энди уларни бартараф қилган, ўзининг одамларини ҳам ҳар хил тўхмат айбловлар билан қамоқхоналарга тика бошлади. Илгари "босмачи" "халқ душман"лари ўтирган бу қамоқхона қамарларига энди уларни қаманларнинг ўзи қамала бошлади. Юқорида келтирилган "темир нарком" Н.Е.Хов ҳам "халқ душмани" деб отиб ташланган.

Натижада бу тузум ич-ичидан чириди ва қўлай пайт келиши билан осонгина нураб тушди. Бу тарихий воқеага шу юрт озодлиги учун курашган юқоридаги инсонларнинг авлодлари бўлган сиз-у биз гувоҳ бўлдик.

Бизнинг фикримизча, бундай ишларнинг асли ҳозирги кунда Қарши шаҳридаги Одина жоме масжиди ўрнида жойлашган "Ўзликни англаш Маркази"га қўйилса, уларнинг ксервосхалари эса ички ишлар бошқармаси архивида қолдирилса, нур устига нур бўлур эди. Ҳар бир варағида ўша қатағон йилларининг нафаси, сиёсати, зуғуми акс этиб турган бу ҳужжатларнинг асли билан танишиш ташриф буюрганларда бошқача тасаввур қолдиради.

Порлоқ келажак ва истиқбол сари

[Давом. Бошланиши 3-бетда/]

Прокуратура органларида қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий актларнинг амалий ижроси пайтида келиб чиқадиган муаммоларга, қонун кучига салбий таъсир кўрсатадиган нуқсонларга оид талайгина маълумотлар маъжуд бўлади. Улардан қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш прокурор назоратининг мантиқий қисми ҳисобланади. Шунга қўра, Конституциямизда Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган. Шу боис бошқарма долзарб масалалар юзасидан ўтказган текширишлар ёки умумлаштиришларнинг деярли барчаси қонунчиликка ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар тайёрлаш билан якунланади. Ўтган даврда бошқарма томонидан дори воситалари ва тиббий буюмлар билан ноқонуний муомала қилганлик ҳамда ОИТСга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни қўчайтирувчи "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилган ва кейинчалик ушбу қонунларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилингани ёрқин мисол бўла олади.

— Ҳар бир фаолият ортида инсон меҳнати ётади. Бошқарма фаолиятини юзаси қаққарида ҳодимлар хизмати ва уларнинг қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам тўхталмай ўтсангиз...

— Фикрингизга қўйиламан. Мамлакат тараққиётини ватанпарвар, ҳар томонлама чуқур билимли, жисмонан соғлом, ахлоқан пок, маънан етук инсонларсиз тасаввур этиш қийин. Прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишдан ташқари, халқнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга қўмаклашишдек муҳим вазифалар ҳам юклатилган. Уларни ижтимоий ва ҳалол бажариш эса тизим вакилларидан маъсулиятни теран ҳис этган ҳолда ишлатиш талаб қилади. Давлатимиз раҳбари шу ҳақда фикр юритиб, "тақор-тақор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сийқилидан ижро этиши, ҳеч муболагасиз, бутун ҳокимият обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди", дея алоҳида уқтирган.

Бошқарма ва қўйи прокуратура ҳодимларининг касб маҳоратини ошириш, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорларини пухта ўзлаштириб бориш юзасидан мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга ҳалол ва сийқилидан меҳнати билан ўз ҳиссаларини қўшиб келган бошқарманинг бир қатор ҳодимлари давлат муқофотларига сазовор бўлган ва Бош прокурор томонидан рабағлатланган.

Модомики, шундай экан, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда бошқарма ҳодимлари бундан кейин ҳам ўз бурчларини шараф билан адо этиш йўлида ҳормай-тоғмай меҳнат қилаверадилар. Мақсад-мудлоамиз эса, аввало, кишиларда қонунларга ҳурмат ва итоат туйғусини қарор топтириш, уларга амал қилган ҳолда яшашни ҳаёт мезонига айлантиришдир. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам қўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир".

Гули ХОЖИБОЕВА
сўхбатлашди

Ярашиб олганликлари туфайли...

Кечиримлик, бағрикентлик халқимизнинг қонида бор. Адабиёт

ҳуқуқбузарлик қилган ёки жиноят кўчасига қадам қўйган у бундан пушаймон бўлиб, астойдил афсус-наҳотма кечкани инсонини имкон қадар чекчирди, афв этади. Уни қайта тарбиялашга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, инсон омили энг юқори даражага кўтарилиди, у ҳақда қайғуриш, уни қўлаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий мезонига айланди.

Ҳа, одам боласи борки, гоҳида билиб-билмай, онгли ёки онгсиз равишда хато қилиб қўйиши мумкин. Аммо у хатосини тез англаб, айбига иқдор бўлиб, таъба-тазарру қилса, нур устига нур бўлади. Шундан булса керак, халқимиз "адашган йўлни топса айби йўқ" деб бекорга айтмаган.

Шаҳрихонлик Маҳмуд Сатторов (исм-фамилиялар ўзгартirilgan) қандай қилиб нафисга қўлоқ тутиб, хатога йўл қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳаммаси банкдан кредит олмақчи бўлган табирич қонунчи Малозахон билан уч-варағида ўша қатағон йилларининг нафаси, сиёсати, зуғуми акс этиб турган бу ҳужжатларнинг асли билан танишиш ташриф буюрганларда бошқача тасаввур қолдиради.

Хуллас, Малозахон таниши-

нинг ҳужжатларини тайёрлашга харажат учун, деган гапи билан аввал 200 АҚШ доллари, кейин 830 минг сўми ўз қўлири билан унга тутқазди. Орадан маълум вақт ўтса-да, натижа бўлмаган, алданганини сезган Маҳмудхон Кабирова туман прокуратурасида ташкил этилган ишонч телефони орқали мурожаат қилди. Сирштирув ишлари бошланиб, иш султа оширилди. Суд мажлисида М.Сатторов айбига иқдор бўлиб, олган пулларини энасига қайтаргани-ю, қилимишдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришларини сўради. М.Кабирова ҳам пулларини қайтариб олган ва судланувчи билан ярашганини айтиб, унга нисбатан дьявоиси йўқлигини қўрсатиб ўтган, суд ҳайъати ЖКнинг 66-моддаси ҳамда ЖПК 34-моддасининг 4-қисмига асосланган ҳолда судланувчи билан жабрланувчиларнинг ярашиб олганликларини туфайли М.Сатторовани жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унинг айбонлик масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини тутатишини лозим деб топти.



«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан қўтлайди.

Ватан равнақи, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган
хайрли ишларингизга улкан зафарлар тилайди. Оилавий бахт,
соғлиқ-саломатлик доимо ҳамроҳингиз бўлишини тилайди!



Ўз шахсий бизнесингизни
янада ривожлантириш йўлидаги
улкан ишларингизга муваффақиялар тилайди.

"K'O'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 22 августдаги 37-Пр-1 ва 38-Пр-1 сонли буйруқларига асосан, Ургут ва Қўшработ туманларидан қуйидаги ер участкалари умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан қўйилмоқда:

1. Аукцион савдосига Қўшработ туман "Пичот" ҚФЙ, "Булокбоши" қишлоғи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метрдан иборат бўлган жами 21 та: 1, 8, 9, 10, 15, 16, 17, 19, 22, 23, 24, 25, 30, 31, 32, 33, 36, 37, 39, 42 ва 45-сонли ер участкалари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 840 сўм.

Шунингдек, аукцион савдосига Қўшработ туман "Соҳибкор" ҚФЙ, "Тоти" қишлоғи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метрдан иборат бўлган жами 16 та: 6, 7, 10, 11, 12, 15, 16, 20, 21, 23, 24, 26, 27, 28, 29 ва 30-сонли ер участкалари такроран савдога қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 840 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 27 сентябр кuni соат 11:00да Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 85А-

уй, ДМҚ Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

2. Аукцион савдоларига такроран Ургут туман "Боғишомол" маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 400 кв.метр бўлган жами 2 та: 2 ва 4-сонли ер участкалари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 120 352 сўм.

Шунингдек, аукцион савдосига такроран, Ургут туман Илончи ҚФЙ, Украс маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метр бўлган жами 17 та: 3, 4, 7, 9, 12, 19, 34, 57, 58, 59, 60, 62, 67, 68, 71, 78 ва 79-сонли ер участкалари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 199 236 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 30 сентябр кuni соат 11:00да Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 85А-уй, ДМҚ Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққати! Юқоридаги ер майдонлари 2011 йил 27 ва 30 сентябрдаги аукцион савдоларига сотилмай қолган ер участкаларининг такрорий аукци-

он савдолари 2011 йил 7, 14, 21, 28 октябр ҳамда, 4, 11, 18 ноябрь кунлари Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг мажлислар залида сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига 3 (уч) кун олганда тўхтатилади.

Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.1kms.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан 100 (фойз) дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "KMSX" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига ўтлашлари шарт: х/р 20208000104920609013, МФО:00282, ИНН:207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй. Тел: (8366) 233-80-56.

[Давоми. Бошланиши 8-бетда]

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси

2000 йилнинг сентябр ойида республикамызда биринчи бор молекуляр идентификацион экспертиза ўтказилиб, ушбу экспертиза талқиноти билан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи илоралар амалиётида суд-генетик экспертизалар қўлланила бошланди. Қуйида ана шундай экспертизалар натижасида очилган бир жиноят иши билан танишасиз.

Ўтган йил куз ойида Тошкент вилоятидаги хонадонлардан бирида юз берган қотиллик бу ҳақда эшитганларнинг юрагини ларзага солди. Ўша кuni оила бошлиғи билан унинг хотинидан ташқари, 2006 йил ва 2009 йилда туғилган ўғиллари ҳамда синглисининг жасади қўйлаб тан жароҳатлари билан топилади. Ушбу ҳолат юзасидан тезда жиноят иши қўзғатилиб, тезкор тергов гуруҳи ташкил этилиб, ишга киришилди.

Биринчи галда жабранувчиларга оид барча маълумотлар йиғилди. Турли фараз ҳамда тахминлар ишлаб чиқилди. Аммо қилин-

ган сайё-ҳаракатлар натижа бермади. Фақат "Одам ДНКси суд — биологик экспертизаси" лабораториясининг берган хулосалари туфайлигина воқеага ойдинлик киритилди. Бунда қотиллик юз берган хонадондан топилган қон доғлари билан ўша ердан топилган пичоқ бўлаги асосий рол ўйнаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтказилган генотипоскопик солиштирма таҳлил натижасида воқеа жойидан олинган 9 донга қон доғлари бўлган суртмалар эркак жинсидаги номатълум шахста тегишлилиги аниқланган. Сўнгра солиштирма текширув учун тумон қилинган 100 дан ортиқ шахсининг қон намуналари лабораторияга тақдим этилиб, экспертлар томонидан ўтказилган солиштирма-қиссий генотипоскопик текширув натижасида суртмалардаги қон доғлари тегишли бўлган эркак жинсидаги номатълум шахс генотипи аниқланди. Эксперт текширувида 160С-сонли

объект деб қайд этилган қон намунаси генотили солиштирилганда, уларнинг текширилган "AmpFISTR identifierTM PCR Amplification Kit" энзиматик амплификация системасининг барча локуслари бўйича айнан бир хиллиги кузатилиб, бундай генетик бир хиллик воқеа жойидан олинган 9 донга суртмалардаги қон доғлари бир шахсдан келиб чиққанини билдирган. Яъни ушбу шахсининг қони билан пичоқ бўлагидаги қон доғлари айнан бир хил эканлиги аниқланган.

Дастлабки терговда айбига тўлиқ икдорлик билдирган Воҳит Артошев, кейинчалик бу ишни қилмагандан, деб туриб олди. Бироқ, Одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг юқорида қайд этилган хулосасидан кейингина айбини тан олиб, бўлган воқеани айтиб берди. Маълум бўлишича, марҳум унинг қўлиниги бўлиб, қирақашлик билан шугулланиб келган. Қирақашлар

яхши пул топишади, йўқса, бир ўзида иккита машина қаердан бўларди, деб ҳисоблаган Воҳит, дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номатълум шахс билан тил бириктириб, кечки пайт қўлини кетиши билан унинг уйига яширинча қиради. Хоналарни айланиб, пул қилираётган вақтда хонадон бекаси уйғониб қолади. Буни кутмаган босқинчи болаларини ўлдириш билан қўрқитиб, унинг номусига тажовуз қилади. Айни ўша пайтда аслининг кичик ўғли уйғониб қолади ва В.Артошев жиноят изини яшириш мақсадида пичоқни ишга солади. Она-болани ўлдиргач, наридаги қроватда ухлаётган катта ўғлини ҳам пичоқлайди. Кейин қўшни хонага ўтиб, яна пул қидиришга тушади, аммо айнан шу пайтда оила бошлиғи келганини кўради-да, чироқни ўчириб, яширинади.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ хонадон соҳиби уйига қиради-ю, пи-

чоқнинг тигига дуч келади. Қотил унга ҳам кетма-кет пичоқ уради. Лекин эҳтиётсизлиги оқибатида тигининг даста томони синиб, қўлини кесиб юборади. Қўлини боғлаб, бошқа хонага ўтади-ю у ерда қизалоқни қўриб қолиб, унинг ҳам умрига зомин бўлади. Кейин хоналарни тинтиб, 600 минг сўм пул топгач, ховлига чиқади. Молхонадаги моллар оч қолса, маъраб, қўшнилари жалб қилиши мумкин, деган ҳаёлда бир бош қорамол билан отни ечиб юбориб, ҳеч нарса бўлмагандек уйига жўнайди...

Шундай қилиб, Республика суд экспертиза марказида амалга ошириб келинаётган изчил ислохотлар натижасида яна бир ўта муҳим жиноят фош этилди. Беш нафар инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлган қотилга эса сулдин ҳукми билан умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси озоликдан маҳрум этиш жазоси уйинланди.

Ривожланаётган ўзбек спортчи

Мамлакат спортчини дунёга танитадими ёки спортчи мамлакатини? Ўринли савол, шундай эмасми? Ҳозирча турли мусобақаларда иштирок этиб, ғойиблик шохсупасига кўтарилган спортчиларимиз гуруҳ билан "Мамлакатимиз довруғини дунёга танитяпмиз", деб айтишди. Албатта, уларнинг Ватан олдидagi хизматлари беқиёс. Бироқ аслида мамлакат уларни дунёга танитмаяптимики? Мантиқан олиб қараганда, юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратилган имконият, спортчиларнинг қулай шарт-шароитларида шуғулланишлари учун барпо этилган замонавий спорт мажмуалари уларнинг ютуғига замин яратаётганини инкор этиб бўлмайди.


Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган тегишли қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари босқичма-босқич қабул қилиниб, уларнинг бажарилиши юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. 1992 йилнинг январь ойида мустақил давлатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси сифатида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Кейинчалик спорт соҳасида ўқувчиларнинг истеъдодларини намойён этиш ва иходий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Юртини бир мақсад атрофида бириктира оладиган, халқнинг гуруҳ ва туйғусини оширадиган, ёшларни ўзига жалб қила оладиган спортнинг оммавий ўйин тури — футболни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 1995 йилда "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари мамлакатда спортни кенг миқёсда оммавий равишда ривожлантириш ҳаракатларини жонлантириб, республикаимизнинг барча ўқув муассасаларида футбол майдончалари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларидаги барча майдонлар қайта таъмирланди, жойлардаги футбол майдонлари халқаро стандартлар даражасида реконструкция қилинди. Барча вилоятларда футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди ва тегишли мутахассис кадрлар билан тўлдирилди ҳамда катта футболнинг профессионал клублар тизимида ўтказилишига асос бўлди. Спортнинг футбол турида

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

мамлакатимиз терма жамоаси илк мартаба 1994 йили Осиё ўйинларида ғойибликни қўлга киритди. Бу эндиgina ўз мустақиллигини қўлга киритган ёш мамлакат учун катта ютуқ эди.

Юртимиз спортчилари Олимпия ўйинларида илк мартаба мустақил жамоа сифатида



1996 йилда Американинг Атланта шаҳрида иштирок этдилар. Ўзбекистон ҳукумати спортчиларимиз халқаро мусобақаларда, Олимпия ва Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашиши учун барча шароитларни яратиб берди.

Олимпия ўйинларида мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси қатнашиб, дзюдоchi Армен Богдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлағонов эса бронза медалини қўлга киритди.

2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтган Олимпия ўйинларида эса 77 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, боксчилардан Мухаммадқодир Абдуллаев олтин, Рустам Саидов бронза, эркин курашчи Артур Таймазов кумуш медаллар соҳиби бўлдилар.

2004 йили Афинада бўлиб ўтган XXVIII Олимпия ўйинларида иштирок этган 202 та давлатнинг спорт жамоалари билан беллашган юртимиз спортчилари икки та олтин, битта кумуш, икки та бронза медалларининг соҳиби бўлиб, 34-ўринни эгалдадилар.

2006 йили Доха шаҳрида XV ёзи Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Ўшбу ўйинларда Ўзбекистон спорт делегацияси 31 та спорт турида 336 нафар спортчи билан иштирок этди. Мамлакатимиз спортчилари Осиё ўйинларида 10 та олтин, 14 та кумуш ва 15 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Вақт ўтгани сайин спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги тажрибаси сайқалланиб, ғойиблик учун асосий даъвогарга айланиб бормоқда. Бунинг спортнинг барча тури мисолида кузатишимиз мумкин.

Мисол учун 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида спортнинг 29 тури бўйича 224 нафар ўзбекистонлик йигит-қизлар иштирок этишди ва яқунда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза, жами 56 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобидан 8-ўринни эгаллашди.

Спортчиларимиз яқка тартибда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 2004 йил Триполида ўтган жаҳон чемпионатида шахмат тожини кийган Р.Қосимжоновнинг ютуғини кўрсатишимиз мумкин.

Қисқа даврда спорт соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси жаҳонда эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳамда Халқаро олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун 1996 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг олий мукофоти — Олтин Олимпия ордени билан тақдирланди.

Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турларини мамлакатда ривожлантириш билан бирга, миллий спорт тури бўлган курашнинг жаҳон спорт ареналарига олиб чиқиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбек миллий спорти — курашнинг янада ривожлантириш, унинг халқаро майдонда мустақкам ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро "Кураш" Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, юртимизда Халқаро курашнинг ривожлантириш жамағармаси тузилди. Халқаро "Кураш" Ассоциацияси ҳамда Халқаро кураш академиясига давлат томонидан ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан катта эътибор кўрсатилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Халқаро "Кураш" Ассоциациясининг фахрий президенти этиб сайланди.


Ўзбекистоннинг спорт соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири миллий курашнинг дунё миқёсига чиқиши билан боғлиқдир. Бу миллий спорт тури бўйича дастлабки, Осиё, Европа, Африка, Америка қитъалари ва жаҳон чемпионатлари ўтказилди. Ҳозирда 5 та қитъанинг 102 давлатида миллий Кураш федерациялари фаолият олиб борапти.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг марказида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш масаласи турибди ва бу борада ўтган 20 йил ичида улкан ишлар

амалга оширилди. Бунинг исботини ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида, жойларда болалар спортининг моддий-техник базасини яратиш, аҳоли яшайдиган жойларда замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш ҳамда спорт ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш мақсадида 2002 йилда тузилган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси" мисолида кўришимиз мумкин. Орадан бир йил ўтиб, спорт машгулотларига ўқувчиларни оммавий равишда, узлуксиз жалб қилишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида" Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида мамлакатда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларининг худудларда республика финал босқичларини ўтказиш режаси белгиланди. Ўқувчи-ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун узлуксиз ўтказиб келинаётган бу мусобақалар янги чемпионларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ўшбу мусобақалар ёш истеъдодларни кашф этиш билан бир қаторда, республикаимизнинг барча худудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу ўша худудлардаги ёшларнинг спорт билан машғул бўлишлари учун катта ютуқ ҳисобланади.

Юртимизда спортга берилган юксак эътиборнинг натижаси ўлароқ спортнинг деярли барча турларида вакилларимиз жаҳон чемпионли деган номга сазовор бўлишмоқда ва юртимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.

Футбол ўзининг жозибадор ва муҳлисбонлиги билан бошқа спорт турларидан ажраллиб туради. Мамлакатимизда миллионлар ўзинини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир пайтлар кўчада түп тепиб, уйига халлослаб келган болани ота-онаси қойиб, "Саккиллаб түпнинг ортидан чопгунча, уйда ўтирсанг бўлмайди?" Түп сenga non берармиди? Обру опкеп берармиди?", қабиладаги таъналар билан "сыйларди". Яқиндагина Мексика ажил майдонларида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларининг Президентимиз томонидан тақдирланганини кўрган ҳар бир ота-онанинг кўзига ёш ингани, фарзанди ўша кичик қаҳрамонлар қаторида бўлишини орзу қилгани аниқ. Чиндан ҳам ўсмирларимиз кичик мундиалдан давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиғига муносиб совға ҳозирлашди. Улар дунёнинг энг кучли 8 та ўсмирлар терма жамоаси қаторидан жой олишди. Мексика майдонларида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда болалар спортга берилган эътиборнинг ёрқин самараси бўлди, десак адашмаймиз.



Huquq
yuzidik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot markazi ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma № 2604. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2030-7457

